Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقاتی

1993 йил 17 апрель
ШАНБА
№ 44 (5.486).
НАРХИ:
ОБУНАЧИГА 3 СЎМ.
СОТУВДА 5 СЎМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛСА...

● Аввал хабар қилинганидек, 13 апрель куни Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Кун тартибига қўйилган масалага ўтишдан олдин икки оғиз вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида гапирмоқчиман, деди Президент нутқи аввалида. Яширишнинг ҳожати йўқ: сўнгги вақтларда Президент девонига, Вазирлар Маҳкамасига, республика ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда газета таҳририятларига Сурхондарё вилоятидан кўплаб шикоят хатлари, ташвишли хабарлар кела бошлади...

Вилоятга нуфузли комиссия юборишга мажбур бўлдик. Аҳвол ҳар томонлама ўрганилганида, вазият биз ўйлагандан ҳам жиддий ва мураккаброқ бўлиб чиқди. Далиллар ўжар бўлади. Сурхондарёда ижтимоий адолат меъёрлари кўпол равишда бузилаётгани, жиноятчилик авж олаётгани, ижтимоий-сиёсий вазият тобора ёмонлашаётгани кишини ташвишлантиради. Яқинда Денов шаҳрида рўй берган кўнгилсиз ҳодисалар ҳаммамизни ҳушёр тортириши керак. Мен бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталаман.

Тўғри, турли муаммолар фақат Сурхондарёда эмас, бошқа вилоятларда ҳам бор. Гап шундаки, уларни энди биз ўзимиз ҳал этишимиз керак. Мустақил давлатнинг мустақил фуқаролари сифатида ўзимиз яшаб турган қишлоқ, туман, вилоят, пировардида бутун Ўзбекистонимиз равнақи учун ҳар биримиз жон куйдиришга, бор куч-қувватимиз, ақл-заковатимизни ишга солишга ўрганайлик. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, Тошкентдан биров Сурхондарёга келиб тартиб ўрнатиб беради, дейиш хом хаёлдир. Қарс икки қўлдан чиқади. Бугун ушбу мажлислар залига асосан Сурхондарё фарзандлари тўпланган. Сизлар халқ ноиблари, давлат арбобларисиз. Тилёғламалик қиляпти, деб, ўйламангиз, ростдан ҳам шундай, давлат арбобларисиз. Шу юрт муаммоларини ўрганиш, бартараф этиш, вилоятнинг истиқболини белгилаш учун халқ сизга ваколат берган. Республика раҳбарияти бирон-бир қарор қабул қилса, чора-тадбир кўрадиган бўлса, аввало, сизларнинг таклифларингиз, истакларингиз, тавсияларингизни инобатга олади. Шунинг учун рўй берган воқеаларга фаол муносабат билдиришингизни сўрайман. Келинглар, бирга ўйлашайлик, фикрлашайлик.

Жамият ҳаёти шундай мураккаб ва нозик қурилганки, унинг бирон-бир соҳасида андак ўпирилиш содир бўлса, албатта, бу бениз кетмайди. Сурхондарёда ижтимоий адолат меъёрларининг бузилиши, ошна-оғайнигарчилик, уруғчилик иллатларининг илдиз отиши, савдо, ҳуқуқ-тартибот органларидаги инсофсизлик элнинг кайфиятига, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига салбий таъсир этмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси — пахтачилик ривожланиш ўрнига йилдан-йилга орқага кетмоқда, деди Президент нутқини давом эттириб, мисолларга мурожаат қилайлик: 1990 йил вилоятда пахтанинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 29,5 центнерга тушиб қолди. Олтинсой, Шўрчи туманларида ҳосилдорлик аввалги йилларга нисбатан 8—11,5 центнер камайган.

1992 йилни, ҳеч муболағасиз, ғаллакорлар йили бўлди, дейиш мумкин. Обҳаво шароити қулай келганига қарамасдан, гектар бошига етиштирилган ғалла ҳосили 1990 йилга нисбатан 1,5 центнер кам бўлди. Маккажўхори ҳосилдорлиги 7,2 центнер, шоли 4,5 центнер пасайди.

Чорвачилик қолоқ соҳага айланиб бормоқда. 1990 йил вилоят хўжаликлари 26596 тонна гўшт етказиб берган бўлса, 1992 йил бу кўрсаткич 18220 тоннага тушиб қолди. Сариосиё, Жарқўрғон, Ангор туманларида гўшт етиштиришнинг икки-уч баробар камайганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятда сут соғиб олиш ҳам кескин камаймоқда. 1990 йил ҳар бош сигирдан 2400 литрдан сут олинган эди, орадан икки йил ўтар-ўтмас бу кўрсаткич 2100 литрга тушиб қолди. Бойсун, Қизириқ, Олтинсой, Жарқўрғон туманларида аҳвол, айниқса, ачинарли.

Давлатникими, жамоанакими, хусусийми, хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, мулк муқаддасдир. Афсуски, вилоятнинг бир қанча идоралари, хусусан, деҳқончилик-саноат уюшмаси (раиси А. Тўрақулов) ходимлари мулкка эътиборни унутган кўринадилар.

1991 йил Қумқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги деҳқонлари 16 гектар ерда, — яна плёнка остида — 371 тонна эртанги полиз маҳсулотлари етиштиришди. Мақтовга лойиқ иш! Лекин халқимиз дастурхонини безаши мумкин бўлган минглаб сўмлик ана шу тансиқ полиз маҳсулотлари май-июнь ойларида республикадан ташқарига чиқариб юборилди. Аянчли томони шундаки, давлат хўжалиги кассасига бир тийин ҳам кирим қилинмади. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, бу мўмай пул кимнинг, аниқроғи, кимларнинг чўнтагига тушди экан! Республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги назорат-тафтиш бошқармасининг ушбу қаллоблик ҳақида ўз вақтида берган ахбороти нега вилоят прокуратураси томонидан жиддий ўрганилмади?!

Вилоятда пахта толасини қиғир йўллар билан сотиш расм бўлиб қолган. Чунончи, Қизириқ туманидаги «Истара» давлат хўжалиги 1991 йилда 424 тонна пахта толасини ҳеч қандай ҳужжатсиз «Ўрта Осиё» кичик корхонасига ҳар тоннасини 9800 сўмдан, Жиззахдаги «Дарён» фирмасига 17800 сўмдан, Учқизилдаги бир кичик корхонага эса 9000 сўмдан сотган. Озиқ-овқат саноати учун яроқли бўлган 150 тонна чигит, республикада ёғ танқис бўлиб турган бир паллада, чорва молларига ем қилиб бериш баҳонасида ҳисобдан чиқарилган. Пахта чиқиндиси 1991 йилдаги тегишли буйруққа асосан камида 8 сўмдан сотилиши керак эди. «Истара»лик азаматлар эса 300 тонна чигитнинг ҳар килограммини 12 тийиндан ҳужжатлаштириб, катта миқдордаги чигит камомадларини ёпиб юборишган. Товаршунос А. Тўраев ва Ж. Раҳматуллаевнинг катта миқдорда камомадга йўл қўйганлари ҳақидаги тафтиш материаллари вилоят прокуратурасида сансалорликка учраб, ҳамон эътиборсиз ётибди.

«Ҳазорбоғ» совхозига мурожаат қилайлик. Ушбу давлат хўжалигида 710 тонна пахта толаси ғайриқонуний йўллар билан сотилган. Натижада республика бюджетига 82,5 миллион сўм зарар етказилди. 1992 йилда мазкур хўжаликнинг 515 тонна дон маҳсулоти унга мутлақо алоқаси бўлмаган вино ишлаб чиқарувчи «Орзу» кичик корхонасига 51 миллион сўмга пуллаб юборилди. Бироқ, шу кунга қадар хўжалик хазинасига бир чақа ҳам пул тушгани йўқ. Ҳақиқий нарх-наво билан баҳолаганда хўжалик буғдойни кичик корхонага бир неча баробар арзон сотган.

Узун туманидаги «Хурсанд» жамоа хўжалигида икки миллион сўмлик халқ мулки талон-тарож қилинди. Музработ туманидаги «Бешқўтон» давлат хўжалигида 250 гектар ердаги шоли ҳисоботдан яшириб қолинган. Юзлаб тонна шоли турли хил савдо ташкилотларига арзон-гаровга улашилган. Гагарин матлубот жамиятига сотилган 100 тонна шоли ҳисобидан бир миллион сўм воситачилар чўнтагига тушган. Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» давлат хўжалигига қарашли «Сурхон» пахта тозалаш корхонасида 386 тонна чигит хўжалик фермасига озуқа сифатида тарқатиб юборилган. Бойсун туманидаги «Мачай», Қумқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжаликларида юз берган талон-тарожчилик, катта миқдорда давлат маблағини ўзлаштиришни прокуратура негадир уч йилдан буён эътиборсиз қолдириб келмоқда. Хўш, нега?

Вилоятда халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари — саноат, транспорт, қурилиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам сурункали қолоқлик, ғайриқонуний ишлар давом этмоқда. Бу ҳол, айниқса, бюджет маблағларидан фойдаланишда яққол кўзга ташланяпти.

Қумқўрғон тумани ҳокимлиги табиий офатдан зарар кўрган иморатларни тиклашга ажратилган маблағдан 800 минг сўмини мутлақо бошқа нарсага сарфлаган. Денов тумани ҳокимлиги 910 минг сўм маблағнинг қонунсиз сарфланишига «бош-қош» бўлган. Тежаб-тергаш ўрнига бюджет маблағларини талон-тарож этишга йўл очиб берувчи қарорлар қабул қилиш, афсуски, шаҳар ва туман ҳокимлари тажрибасида тез-тез учрамоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги 1089 автомашинадан фақат 800 таси балансда тургани аниқланди. Тиббий хизмат учун автомашина етишмай турган бир шароитда 34 автомашина маълум шахсларга арзон-гаров сотиб юборилган. Улар орасида ҳатто 1988-89 йилларда чиққан янги автомашиналар ҳам бор. Яна, техника йўқ, бензин йўқ, дейишади. Инсон ҳаётидан ҳам азизроқ нарса борми дунёда! Ўз вақтида тиббий ёрдам етиб бормагани учунгина оламдан кўз юмган норасидалар, оналар,, қариялларнинг қарғиши урмайдими бу ноинсофларни! Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли муассасаларда катта миқдордаги камомад ва ўғриликлар одат тусига кирган. Шикоят ва аризаларнинг кўпчилиги тиббиёт ходимларининг ўта инсофсизлиги, дори-дармон савдосидаги қинғирликлар ҳақида.

Вилоят турар-жой ва коммунал хўжалиги бошқармасида тафтиш ва назорат мутлақо унутилган. молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотлар тўла-тўкис кўзбўямачиликдан иборат. Мазкур соҳа тармоқларида 1992 йил 1 январдан сўнг жиҳозлар янги нарх бўйича рўйхатга олинмаган. Ўша йили бошқарманинг турар-жой тизимида аҳолига кўрсатилган хизмат ҳақининг икки миллион сўми олинмагани аниқланди. 33 та махсус автомашинага зарурат бўлгани ҳолда ушбу корхонага қарашли «КаМАЗ» автомашинаси асоссиз равишда «Автомобилчи» кичик корхонасига 63,5 минг сўмга сотиб юборилганини сира оқлаб бўлмайди. Корхона ҳисобидаги 200 квадрат метр ҳажмга эга бўлган қариб ярим миллион сўмлик бино 1989 йилдан буён «Далварзин» кичик корхонасига ижарага бериб қўйилган. Турар-жой ва коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи И. Қурбонов ўта пишиқ, адашса ҳам фақат ўз фойдасига адашадиган хилидан чиқиб қолди. У киши ўтган йили бюджет маблағи ҳисобига биржадан 1 миллион 375 минг сўмга «ГАЗ-31029» автомашинаси сотиб олдилар. Ҳозир катта сарф-харажатларни кўтарадиган замон эмас. Корхона учун харид қилинган экан, майли, буни кечириш мумкин. Аммо у кишининг корхонага қарашли обдон таъмирлан ган «ГАЗ-24» автомашинасини бор-йўғи 20 минг сўм тўлаб, ўз ҳисобларига ўтказганларига нима дейсиз!

Вилоятда халқ таълимининг аҳволи, айниқса, ачинарлидир, деди Президент. Вилоятнинг 43 мактаби ҳароб аҳволда. Ўтган йили 483 мактабда ўқиш икки сменали бўлди. Ҳатто уч сменали мактаблар ҳам бор. Мактабларни чучук сув билан таъминлаш ҳам мутлақо қониқарсиз. 280 мактабга водопровод ўтказилмаган. 26 мактабда эса ўқувчилар ариқдан сув ичишга мажбур бўлмоқда. 380 мактабда канализация тармоғи йўқ. 436 мактабнинг ошхонаси очиқ айвонларда жойлашган. 36 мактабда на ошхона, на буфет бор. Шўрчи туманида — 24 та, Қумқўрғонда — 18 та, Музрабодда — 16 та, Бойсунда — 10 та болалар муассасалари ёпилди. Боғча ва яслилар ёпилиши туфайли ота-оналар иш билан узлуксиз банд бўлолмаяптилар.

Вояга етмаган ёшлар ўртасида қонунни бузиш ва жиноятчилик ташвишли тарзда ўсиб бормоқда. Бундай қонунбузарлик ва жиноий хатти-ҳаракатлар 1992 йилда 1991 йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпайди. Афсуски, мактаб муаллимларининг ўзлари ҳам аксарият ҳолларда тарбияга муҳтож. Ўтган йили тўрт ўқитувчи устидан жиноий иш қўзғатилди, 68 киши маъмурий жавобгарликка тортилди, 28 муаллим эса ҳушёрхонада тунаб чиқди. Ўқитувчилик — олижаноб, мўътабар касб. Мен меҳрибон мураббийларимиз, устозларимиз обрў-эътиборига заррача шак келтирмоқчи эмасман. Лекин, ўрни келганда, айтмасдан иложим йўқ. Ҳаммаларингга маълумки, Президентликка сайланганимдан кейин мен имзо чеккан илк фармонлар ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган эди. Уларга уй-жойларини текин хусусийлаштириб бердик, талай солиқ ва тўловлардан озод этдик. Ер участкалари, қурилиш материаллари тақсимланаётганда биринчи навбатда ўқитувчиларга берилсин, дедик. Бу орада уларнинг маошларини бир неча маротаба оширдик. «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этганимизда биз ўқитувчи ва педагогларни ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни кўзда тутганмиз. Жамиятимизнинг энг имтиёзли табақасига айланаётган муҳтарам ўқитувчиларимиздан шундан кейин ҳам, ўртоқлар, нима қиляпсизлар, қаёққа қараяпсиз ўзи, деб сўрашга ҳақимиз борми, йўқми?!

Мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхона, маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш, эскиларини таъмирлаш муаммо бўлиб турган бир шароитда вилоятда янги-янги масжидлар қуриляпти. Шу йил 1 мартга қадар 46 масжид рўйхатдан ўтган, 181 таси ўтиш арафасида. Шулардан 84 таси Денов тумани ҳисобига тўғри келади, 18 таси Сариосиё, 21 таси Шўрчи туманлари ҳудудида.

Денов туманидаги «Тожикистон» жамоа хўжалиги Пистамозор қишлоқ Кенгаши чойхона қуриш ҳақида қарор чиқарган ва шу мақсад учун ер ажратган. Чойхонага деб ажратилган жойларда ҳам аслида масжид бунёд этиляпти. Айни бир пайтда шу жамоа хўжалиги аъзоларидан уй-жой сўраб, ариза берган 285 колхозчининг 125 нафари ер ололмай сарсон бўлиб юрибди. Хўжаликдаги бешта болалар муассасаси молиявий таъминоти оғирлашгани сабабли фаолиятини тўхтатган. Шу тумандаги «Ҳазорбоғ» давлат хўжалигида 10 та, Худойназаров номидаги жамоа хўжалигида эса 9 та масжид қад кўтармоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 16 апрель куни Тошкентдан Минскка жўнаб кетди. У ҳамдўстликдаги мустақил давлатлар бошлиқларининг Беларусь пойтахтида очиладиган учрашувида қатнашади.

— Минскда бўладиган учрашувимиздан мақсад,— деди Ислом Каримов жўнаб кетиш олдидан журналистлар билан бўлган қисқа суҳбат чоғида, — ниҳоят ҳамдўстлик давлатлари амалий ва самарали ҳамкорлигининг таъсирчан воситасини ишлаб чиқишдан иборатдир. — Қабул қилинган қарорлар амалда бажарилмас экан, қанчалик яхши бўлмасин, ёлғиз истак билан халқни боқиб бўлмайди. Ҳамдўстликни сўзда эмас, балки амалий ишлар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш лозим.

Тошкент аэропортида Президентни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

Олтиариқ туманидаги «Қизилтепа» жамоа хўжалигининг 2-бригадасида сўнгги пайкалларга уруғ қадаб бўлинди. Илғор механизатор Мамиржон Эргашев бу ишда жонбозлик кўрсатди. У меҳнат қилаётган жамоа 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнергача хирмон тиклашга аҳд қилган. Бригадада дастлабки ниҳоллар бўй кўрсата бошлади.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор тракторчи М. Эргашев. 2. Пайкалларга чигит қадалмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

ХИРМОН БАРАКАСИ БУГУНГИ ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ

Бу йил республикамиз деҳқонлари, чорвадорлари учун қутлуғ келмоқда. Қиш бўйи қор, ёмғир кўп ёғди. Қирларда, яйловларда ўт-ўланлар сероб. Лалми ерлардаги ғаллалар ривожи мўл ҳосилдан дарак беряпти.

Айниқса сўнгги кунларда ҳароратнинг бир мунча кўтарилиши пахтакорлар чигит экишни қулай муддатларда экиб олишларига имконият яратди. Ғаниматдамлардан доимо оқилона фойдаланишга ўрганган миришкорлар экин-тикинни уюшқоқлик билан бошлаб юборишдилар.

Жорий йилда жумҳуриятимизда 1 миллион 600 минг гектар ерга барака уруғи қадаш режалаштирилган. Қулай шароит мана шу майдонларга қисқа муддатларда уруғ ташлаб олишда қўл келяпти. Шунинг учун ҳам чигит экиш суръати ўтган йилгидан анча юқори. Масалан, ўтган йили 15 апрелга қадар 325 минг гектар майдонга уруғ қадалиб, режа 19,2 фоиз қилиб адо этилганди.

Бу йил пахтакорлар шу муддатга қадар 614 минг гектар ерга чигит экишга муваффақ бўлишди. Бу режада белгиланган майдонларнинг 38,2 фоизига барака уруғи тушди демакдир. Мавсумни тез ва соз олиб боришда Бухоро, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятларининг пахтакорлари пешқадамлик қилишаётир.

Масалан, Тошкент вилоятида далаларда ишлатилаётган 1427 та агрегат ёрдамида кунига ўртача 15253 гектар ерга чигит экиляпти. Бу республикадаги энг юқори кўрсаткичдир. Қашқадарёликлар ҳам кун сайин суръатни кўтаришга муваффақ бўлишяпти. Вилоятда бир агрегатнинг иш унуми кунига 93 гектарни ташкил этмоқда.

Деҳқонларда баҳорнинг бир куни йилга татийди, деган нақл бор. Топиб айтилган гап. Дарҳақиқат, кузнинг қандай келишини ҳеч ким биллмайди. Шунинг учун ҳосилни бир кун эрта етилтириш, уни бир кун олдин йиғиштириб олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Кузда яратилажак улкан хирмонларимизнинг тақдирига худди шу кунларда тамал тошш қўйилмоқда. Шофиркон, Китоб, Қамашн туманларида

РЕСПУБЛИКАМИЗ ДАЛАЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

●

чигит экиш барвақт тугалланди. Булоқбоши, Марҳамат, Иштихон, Паст Дарғом, Олот, Бухоро, Яккабоғ, Избоскан туманлари заршуносларн чигит экишни якунлашларига оз қолди.

Лекин муҳим иш ҳамма ерда ҳам кўнгилдагидек кетяпти, деб бўлмайди. Кўп жойларда ғаниматдамлар ўтиб бораётганига қарамай экиш орқага сурилб юборилмоқда. Тўғри, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари республикамиздаги пахта етиштирилувчи шимолий зона ҳисобланади. Лекин ҳаракат қилинса ернинг етилишини тезлатиш мумкин. Бундан ташқари мавсумга тайёргарликни пухта ташкил қилиш ҳам муваффақиятни таъминлашда бош омил ҳисобланади.

Қорақалпоғистон республикасида эса далаларга олиб чиқилган 139 агрегатнинг ҳар бири билан атиги 4,4 гектар ерга чигит экилганлиги қониқарли ҳол эмас. Агар техника унумли ишлатилмаса, ҳозирги қийин шароитда таннарх қиммматлашиб кетади. Бу хўжаликка ҳам, пахтакорларга ҳам моддий зарар келтиради.

Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига назар ташласангиз 15 апрелга қадар Жиззах вилоятида жами чигит экилиши юзим бўлган майдонларнинг 16,5 фоизига, Сирдарё вилоятида атиги 6,6 фоизига барака уруғи қадалганлигини кўришингиз мумкин. Кунлик ўсиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Андижон, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида кунига 70—90 минг гектардан зиёд ерга уруғ ташланаётган бир пайтда бу кўрсаткич Жиззах вилоятида 22,6 минг гектарни, Сирдарёда эса 9,7 минг гектарни ташкил этяпти.

Бундай қолоқликка қатор туманларда мавсум ишлари ниҳоятда ёмон ташкил этилганлиги сабаб бўляпти. Бунга Навоий, Хатирчи, Баҳористон, Усмон Юсупов, Чиноз туманлари, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг аксарият туманларидаги суръатни мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур туманларда белгиланган ерларнинг эндигина 1—15 фоизига уруғ қадалди, холос. Агар аҳволни ўнглаш чоралари кўрилмайдиган бўлса кузда ер чизиб қолиш мумкин.

Ҳозир фан-техника замони. Олимлар пахтакорлар меҳнатини енгиллаштириш, мўл, сифатли, таннархи арзон хом ашё етиштириш борасида тинмай изланишлар олиб боришяпти. Булар натижасида чигитни экиш, уни парваришлаш билан боғлиқ ғоятда самарали усул ва технологиялар юзага келмоқда.

Улардан фойдаланган деҳқонлар доғда қолишмаяпти. Об-ҳаво қандай келишидан қатъий назар, оз меҳнат ва маблағ билан мўл-кўл ҳосил етиштиришга муяссар бўлишаётир. Илғорларнинг иш фаолиятлари буни яққол кўрсатиб турибди. Бироқ кўпгина жойларда илм-фан ютуқларидан фойдаланиш у ёқда турсин ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини оширишдек муҳим ишларга ҳам эътибор бермлмаётир.

Ерга экишдан олдин ва экиш билан бирга ўғит солишни унутиб қўяётганлар ҳам йўқ эмас. Кўп жойларда ҳар эҳтимолга қаршн, деган маънода пайкалларга мўлжалдагидан анча кўп уруғлик ишлатиш ҳоллари содир бўляпти. Чигитни бундай ноўрин сарфлаш бир томондан кейинчалик ягона учун катта куч талаб қилса, иккинчи томондан ҳосил таннархини қиммматлашувига олиб келади.

Худо кўрсатмасин-у, агар чигитни қайта экишга зарурати туғилгудек бўлса, сара уруғ ўрнига сифатсиз, пуч чигитларни ҳам экишга тўғри келиб қолади. Бундай ҳолда кузда мўл ҳосил етиштириш қийин.

Шундай экан, хирмонларимизнинг тақдири, қоласерса юртимиз, халқимиз фаровонлиги ҳозирги ишимизга, масъулиятли мавсумни ўз вақтида сифатли олиб боришимизга боғлиқлигини унутмайлик. Илғорлардан ўрнак олиб чигит экишни тез ва қулай, ўз муддатида тугаллайлик.

Каримжон РИХСИЕВ.

САФАР ЯКУНЛАНДИ

Илгари хабар қилинганидек, Туркманистонга расмий сафар қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси 14 апрель куни Туркманистон Республикаси раҳбарияти билан ўзаро мулоқот ва музокаралар олиб борди. Бу учрашувларнинг якунида Ўзбекистон — Туркманистон қўшма баёноти имзоланди.

Кун охирида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ҳамроҳлигида Чоржўй шаҳрига келди.

Ўзбекистон ҳукумат делегацияси сафарининг иккинчи куни Чоржўй шаҳридаги «Буян» агросаноат комплекси билан танишишдан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти шу куни Чоржўй кимё корхонасида, тумандаги Халтурин номидаги жамоа хўжалигида ҳам бўлиб, меҳнаткашларнинг иш шароитлари билан танишди, ишчилар, деҳқонлар билан суҳбатлашди.

15 апрель куни тушдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Чоржўйдан Тошкентга жўнаб кетди.

Чоржўй аэропортида олий мартабали меҳмонни Туркманистон Республикаси Президенти С. Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси шу куни Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков кутиб олдилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцария конфедерацияси федерал маслаҳатчиси, молия вазири Отто Штих бошчилигидаги шу мамлакат ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария конфедерацияси ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада тараққий эттириш, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ж. НОРАЛИЕВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Жўра Норалиев Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 15 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ҳ. Э. БЕРДИЕВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳаким Эшбоевич Бердиев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 15 апрель.

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛСА...

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ангор тумани марказида 1,5 гектар майдонни эгаллаган жом масжиди қурилишига туман раҳбарияти бош-қош бўлиб турибди. Ширкатчилар, кичик корхона ва фирмалар, хуллас, халқ ризқини туя қилиб келаётган кўпгина нотайин идоралар ва шахслар масжид харажатларига деб 100 мингдан 500 мингга қадар пул атаганлар.

Шаккоклик деб ўйламанг-у, баъзан иккиланиб қоласан киши: улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, ҳазрати Навоий, Ҳусайн Бойқаролар, наҳотки, бизнинг ҳокимларимиздан «номусулмонроқ» бўлганлар?! Масжиду мадраса ўз йўлига. Ахир, улар салтанат хазнасидан ажратилган маблағ-у табиат ато этган куч-ғайратлари, ақл-заковатларини йўллар, работлар, кутубхона-ю, муолажахоналар, ҳаммомлар, боғларни-ки, расадхоналар тиклашга сарфламаганларми! Халқнинг кундалик ҳайри корига ярайдиган юмушларга қўл уриш қачондан бери савоб бўлмай қолди? Ҳокимларимизга элнинг дуосидан кўра, шуҳрат, сохта обрў кўпроқ керак шекилли. Бундай ҳотамтойларга, аччиқ бўлса ҳам айтамиз: ҳокимлигингизни қилинг ёки салла ўраб масжидга имом бўлинг!

Жамоат тартибини сақлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича вилоят маъмурий органларида жуда қўпол хатолар, қонунбузарликлар мавжуд. Вилоятда содир этилган жиноятлардан 33,5 фоизи оғир жиноят экани ғоят ташвишлидир. 1991—1992 йилларда 1300 жиноят очилмай қолган. Қасддан қилинган еттита қотиллик, бешта оғир тан жароҳати, 17 та босқинчилик, учта зўрлаш ва ўнлаб ўғрилик, талончилик хатти-ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Жиноятчиликнинг бу қадар томир отиши жиноий унсурларнинг хатти-ҳаракати билангина боғлиқ бўлмай, маъмурий органларнинг қўпол хатолари ва айрим ҳолларда уюшган жиноятчилик билан тил тўпишгани оқибатидир. Тергов органлари содир этилган кўплаб оғир жиноятларни ёпиб юбормоқдалар. Айрим инсофсиз ва диёнатсиз судьяларнинг «марҳамати» туфайли жиноятчилар қонуний жазодан қутилиб қолмоқдалар ва янги-янги жиноятларга қўл урмоқдалар. Масалан, ҳарбий қисм омборидан 32 дона пулемёт ўғирлаган Актишев деган шахснинг атиги бир йилга озодликдан маҳрум этилганини қандай изоҳлаш мумкин? Ўша пулемётлар жиноятчилар қўлига тушиб қолса нима бўларди? Жиноят содир этилгани тўғрисидаги шикоятларни текширишда юзакичилик, судмедицина экспертизасини четлаб ўтиш, жабрланувчидан аризасидан воз кечгани ҳақида тилхат олиш, жиноий ишларни кўриб чиқиш муддатига риоя қилмаслик, пайсалга солиш, имкон борича уни ёпти-ёпти қилмоққа уриниш тергов органлари фаолиятидаги ҳавфли иллатга айланмоқда.

Кўп ҳолларда тергов органлари уюшган жиноятчилар билан умумий мақсад йўлида бирлашиб кетмоқдалар. Шу йил 11 февраль куни деновлик Ж. Ҳайдаров, Д. Фатҳиддинов ва Ж. Силаев қоровулни қўрқитиб, зўравонлик қилиб магазин омборхонасидан 40 килограмм сариёғ ва 20 килограмм пахта ёғини куппа-кундузи ўмариб кетишибди. Магазин мудири Э. Ҳудойқулов босқинчиларни инсофга чақирса, уни роса калтаклашибди. Денов шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси Д. Азизов очган жиноий иш юзасидан икки кунгина тергов олиб борилган, холос. Кейин эса ишни силлиққина ёпиш тараддудига тушиб қоладилар. Маълум бўлишича, босқинчилар тўдасининг бошлиғи Ж. Ҳайдаров Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М. Бозоровнинг яқин қариндоши бўлиб, у Денов шаҳрида илгари ҳам кўп бора безорилик қилган, қонунни бузган экан.

Денов туманида «ғузорлик»лар ва «тоғчи»лар деб ном олган қариндош-уруғчилик тўдалари ҳамда улар ўртасида зиддият кўпчиликка, шу жумладан, туман ҳокими ва маъмурий органларга ҳам беш қўлдек аён эди.

Шаҳарнинг «ёғли» жойларини кўп йиллардан буён талашиб келаётган бу икки тўдани тартибга чақириш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Тўда вакилларининг тўқнашуви ва кейинги ур-йиқитлар натижасида бир киши ҳалок бўлди, бир киши оғир тан жароҳати билан касалхонага тушди. 12 хонадонга ўт қўйилди. Ачинарли томони шундаки, бу жиноий ишда ҳам ҳуқуқ-тартибот органи вакили — Денов шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Чориевнинг қўли бўлган.

Деновдаги тартиббузарликлар Сурхондарё вилоятида раҳбарлик ва бошқарувнинг бой берилганидан далолатдир. Буни бошқача изоҳлаш мумкин эмас.

Мен вилоят ҳокими Ҳаким Бердиевни яхши биламан. У ҳалол, тўғри инсон. Лекин кўнгилчанлиги бор. Ҳокимликка сайланаётганида ҳам, ундан кейин ҳам мен буни Бердиевнинг юзига рўйи-рост айтиб, бир неча марта огоҳлантирганман. Аммо у ҳамюртлари, сафдошларининг бегараз танқидидан вақтида тўғри хулоса чиқара олмади. Охир-оқибат кўнгилчанлиги панд бериб, қариндош-уруғлари унинг елкасига чиқиб олишди. Мен бу ерда ҳокимнинг муовинларини ҳам оқламоқчи эмасман. Вилоятдаги ноҳуш ҳодисаларда уларнинг ҳам айби бор.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти вилоят ҳокими Ҳаким Бердиев, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Мамаюсуф Холбоевлар бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан уларни вазифасидан озод этиш ҳақидаги таклифни овозга қўйди. Халқ депутатлари таклифни бир овоздан маъқулладилар.

Сурхондарёнинг мард, меҳнаткаш, ақл-заковатли халқи бор, — деди Президент. — Бағри кенг айни замонда орияти баланд бу эл фарзандларини ҳурмат қилмаслик мумкин эмас. Вилоятга четдан раҳбар олиб келсак, юзларингизга оёқ қўйган бўламиз. Мен яна шунга аминманки, ўз юрти, эли учун жонини ҳам аямайдиган, каттани ака, кичикни ука деб халқ бошини қовуштирадиган раҳбар Сурхондарёнинг ўзидан ҳам топилади. Шу масалада мен туман ҳокимлари, халқ депутатлари билан маслаҳатлашдим. Фикримиз бир жойдан чиқди.

Ўзбекистон Президенти қонуний ваколатидан фойдаланиб, Сурхондарё вилояти ҳокимлигига Жўра Норалиевни, ҳокимнинг биринчи ўринбосари лавозимига Жовбўри Абдулҳакимовни тавсия этди.

Вилоят халқ депутатлари бу икки номзодни юксак лавозимга якдиллик билан сайлашди.

Президент Ислом Каримов Жўра Норалиев ва Жовбўри Абдулҳакимовни янги лавозим билан табриклаб, вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Музокарада сўзга чиққанлар шу кунларда ҳамма нарсадан азиз бўлган тинчлик, хотиржамлик учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, республика раҳбарияти юргизаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, вазирликлар, идоралар, ҳуқуқ-тартибот органларининг вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

Мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш, рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан қатъиян воз кечиш, иқтисодий омиллар ва воситаларни кенг жорий этиш бозор муносабатларининг ўзагидир.

И. КАРИМОВ.

ЧОРВАЧИЛИКДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ

Норбек ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири.

УШБУ ТАРМОҚДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорвачилик соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун мустақил ривожланиш йўлига кирган давлатда бу тармоқ бозор шароитига мос равишда ҳар томонлама ривожлантирилмас экан, у ҳолда халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби қондирилмайди, бинобарин, танқислик давом этаверади.

Президентимизнинг оқилона сиёсатлари туфайли республика қишлоқ хўжалигини тубдан иқтисодий ислоҳ қилишнинг имкониятлари очилмоқда. Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш тадбирлари тўғрисида» ва шу йил 15 мартдаги «Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари бу борада дастурламал вазифасини ўтамоқда.

Биринчи қарорга биноан, 1993 йилда республикамизда 700 давлат хўжалиги мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтказилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда эса 290 хўжалик жамоа, ширкат, ижара ва бошқа шакларда фаолият кўрсатмоқда. Уюшма билан ширкатлар ва ижарачилар ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида ташкил этилиб, ширкатларга ер узоқ муддатга ижарага биркитиб берилди. Бошқа барча турдаги асосий воситалар далолатнома орқали жамоа мулкига айлантирилди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқариш ширкатларининг аъзолари ўзларини мулкнинг ҳақиқий хўжайини деб ҳис қилмоқдалар. Уларнинг ерга бўлган муносабатлари тубдан ўзгарди: заминнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрни ювиш, гектарлар ҳосилдорлигини ошириш, ерга ер қўшиш билан шуғулланмоқдалар. Бепул мулк қилиб берилган асосий воситаларга ҳам муносабат ўзгарди: уларни яхши сақлаш ва самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Республикада чорвачиликнинг бугунги аҳволини талаб даражасида деб бўлмайди. Чунки ижтимоий секторда молларнинг зотлари яхши эмас, зооветеринария хизматлари тўғри йўлга қўйилмаган. Натижада ўтган йили гўшт етиштириш режаси 94, сут тайёрлаш топшириғи 93 фоиз бажарилди. Чорва молларининг маҳсулдорлиги ҳамон паст. Бултур ҳар бош говмишдан 2271 килограммдан сут соғиб олинди ва 100 бош сигирдан эса 75 бош бузоқ олинди, холос.

Бундай кўрсаткичлар билан, албатта, халқимизнинг келгусидаги эҳтиёжини қондириб бўлмайди. Шунинг учун бу соҳада кескин бурилиш ясашни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Шу жиҳатдан олганда Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги «Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тарихий аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳужжат айни вақтида эълон қилинди. Унинг асосий мақсади чорвачиликда жамоанинг мулк эгалари ҳиссиётини шакллантириш, энг ноёб мавжудот бўлган чорва молларини сақлаб қолган ҳолда маҳсулотни кескин кўпайтириш, молларнинг зотларини тубдан яхшилаш, келгусида чорвачиликнинг ҳақиқий эгалари — доимий фермерларни тарбиялаб етиштириш, бу соҳада авлоддан-авлодга боғланиб кетадиган чорвадорларни таркиб топтиришни кўзда тутади.

Қарорга кўра, 1993 — 1994 йилларда фермалар жамоаларига маҳсулдорлиги паст бўлган 997 қорамол фермаси хусусий мулк қилиб берилади. Бу йил эса 609 фермани ҳақиқий эгаларига топшириш мўлжалланган.

Фермалар жамоаларига қорамол фермаларини хусусий мулк қилиб берилиши ва уларнинг келгусидаги иш юритиш тамойиллари бу масалага ўта жиддийлик билан, изчил ёндашишни талаб этади. Энг аввало, ферма жамоаси аъзолари ҳозирги пайтда республика чорвачилигида «урф»га айланиб қолган маҳсулдорлик (ҳар бош сигирдан ўртача 2000 — 2500 литр сут соғиб олиш) даражаси билан бундан кейин халқимизнинг истеъмол талабини қондириб бўлмаслигини, ишни шу йўсинда юритиш бозор иқтисоди қонунларига жавоб беролмаслигини тўла англаб етишлари керак.

Жамоа аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра, фермадаги барча мулклар: сигирлар, ғунажинлар, таналар, бузоқлар, молхоналар, уй-жойлар, сув иншоотлари, асфальт йўллар, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа жиҳозлар чорвадорларга хусусий мулк қилиб сотилади. Ферма жамоаси аъзолари ва фермани сотаётган хўжалик раҳбарияти вакилларининг иштирокида барча турдаги чорва моллари ёшига, турига, зотига, баланс қийматига (бунда охирги баҳо индекси ҳисоба олинади), шунингдек, бошқа жами асосий ишлаб чиқариш воситалари тури ва баланс қийматига кўра, қайта саноқдан ўтказилади ҳамда далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Ферма жамоасига сотиладиган мулкнинг умумий баҳоси белгиланган, уни 10 йил муддатга тўлиқ хусусий мулк қилиб сотиш муносабати билан биринчи йил учун 10 фоиз миқдордаги суммаси аниқланади. Кейин шунга тенг келадиган миқдорда матбаа йўли билан акциялар чиқарилади (3000, 5000, 10000 сўмлик нархда тайёрланади).

Акцияларни сотиб олишда жамоанинг ҳар бир аъзоси тенг ҳуқуқлидир. Лекин бунда уларнинг малакаси, умумий ишга қўшган ҳиссаси, иш стажи, маълумоти, касби, қобилияти, жавобгарлиги каби жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда категориялар белгиланган мақсадга мувофиқ. (Масалан, ферма мудирига 2-, экспедиторга — 1,5, соғувчига — 1,8 категория берилади ва ҳоказо).

Қарорнинг диққатга молик жиҳати шундаки, мулкни хусусий қилиб сотиб олувчиларнинг ҳаммасига хизмат кўрсатувчи банклар орқали олган акцияларининг суммасига тенг миқдорда йиллик кредит ҳақи 5 фоиздан ошмайдиган узоқ ва қисқа муддатли қарзлар берилади, агар қарз олишни хоҳламаса, у ҳолда ўзининг маблағи ҳисобидан ҳам тўлаши мумкин.

Акциялар сотиб олинганидан кейин ферма жамоаси аъзосининг умумий мулкда акция қийматидаги сумма миқдорида улуши пайдо бўлади. Бошқача айтганда, шу пайтгача хўжалик ихтиёрида бўлган, эгаси ноаниқ чорва фермаларининг ўрнида жамоа аъзоларининг хусусий мулкчилигига асосланган мутлақо янги тузилма вужудга келади. Ва жамоанинг ҳар бир аъзоси фермадаги барча маблағларнинг бус-бутун сақланишидан, уларнинг йўқолмаслиги ва ўғирланмаслигидан манфаатдорлиги таъминланади. жамоанинг мулкка ва меҳнатга муносабатида жуда катта ижобий ўзгаришлар пайдо бўлади, маҳсулотга нисбатан эгалик ҳисси вужудга келади. Умуман олганда. иқтисодий муносабатда катта ислоҳот — тарихда тасдиқланган ҳаётийлиги исботланган **хусусий мулк муносабати** ўз ўрнини эгаллайди.

Мулкка эгалик ҳиссиётининг пайдо бўлиши натижасида чорва молларининг туёқ сони кўпаяди, уларнинг зоти яхшиланади, маҳсулотнинг миқдори ва сифати оширилади, уларни сотишдан фойда кўпаяди, уни жамоанинг ўзи тақсимлаш имкони туғилади. Жамоада ишлайдиган ҳар бир ходимнинг даромади ортади. Буларнинг ҳаммаси келгусида чорвачилик тармоғининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қарорда фермалар жамоалари — мулк эгалари хўжаликлар билан тузилган шартномаларга кўра, етиштирилган маҳсулотлар — гўшт, сут ва тери ҳом ашёсининг камида 50 фоизини давлатга қатъий харид нархларида, қолган қисмини эса тайёрлов ташкилотларига эркин шартномавий нархлар бўйича сотишлари белгиланган бўлиб, бу ферма жамоалари даромадлари ошишининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ферма жамоалари хўжалик ва давлат буюртмасидаги 50 фоиз маҳсулотни етказиб беришлари ва қатъий харид нархида уларга сотишлари шартномага биноан амалга оширилади. Шартномада кўрсатилган барча талабларни бажариш эса мажбурийдир. Агарда томонлар буни бузсалар, у ҳолда жарима тўлайдилар. Бунда жарима миқдори етиштирилмаган маҳсулотнинг қийматига нисбатан белгиланади.

Режадаги маҳсулотнинг қолган 50 фоизини етказиб бериш ва сотишга доир шартномалар тайёрлов корхоналари билан тузилганда ҳар иккала томоннинг ҳуқуқ ва жавобгарликлари таъминланиши шартдир. Бунда ўзаро келишилган эркин шартномавий нархларда сотиш кўзда тутилади.

Чорвачиликда барча муваффақиятларнинг гарови унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашдир. Шунинг учун қарорда бу масалага алоҳида эътибор берилган.

Ферма жамоаларига асосий ем-хашак етказиб берувчилар фермаларни сотаётган хўжаликлар ҳисобланади. Бунда чорва туёғи сони ва етиштириладиган маҳсулотлар миқдорига қараб йил бошида улар ўртасида шартнома тузилади. Бу ҳужжатда ем-хашак тайёрлаш муддатлари, миқдори, етказиб бериш шартлари, озуқанинг келишилган нархлари каби барча кўрсаткичлар кўзда тутилади. Мабодо шартнома шартлари бажарилмай қолса, у ҳолда келтирилган зарар суммасига тенг миқдорда жарима тўланиши керак.

Ферма жамоаларига уларга яқин жойдаги ерларнинг бир қисмини ижарага бериш мақсадга мувофиқ. Чунки шундай қилинса, чорвадорларни зарур миқдордаги озуқа билан таъминлашга замин яратилади.

Фермаларнинг эгаларига марказлаштирилган тартибда давлат ресурсларидан концентрат озуқалар улар томонидан сотиладиган маҳсулотларни етиштиришга сарфланадиган концентрат озуқаларнинг амалдаги меъёрларига мувофиқ ва шартномавий нархлар бўйича ажратилиши ҳам қарорда таъкидланганки, бу давлат томонидан чорвадорларимизга кўрсатилаётган катта ғамхўрликнинг яна бир кўринишидир. Бошқача айтганда бу Президентимиз Ислом Каримовнинг «Давлат томонидан ёрдам берилмаса, қишлоқнинг оёққа туриши аримаҳол... уларни зарур кредитлар, техника, минерал ўғит, ем-хашак, уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш даркордир» деган кўрсатмаларига амалий жавобдир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни алоҳида таъкидлаймизки, чорвачиликда иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши бозор иқтисодиёти даврида қатор ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бўлишига олиб келади:

Биринчидан, мустақил ферма жамоаларининг вужудга келиши, улар томонидан мулкнинг хусусий қилиб сотиб олиниши ходимларнинг фермага муносабатини ўзгартиради, маҳсулот сифатини яхшилаш, уни ўз вақтида сотиш, маҳсулдорликни оширишдан эса нафақат раҳбарнинг, балки барча жамоа аъзоларининг манфаатдорлиги таъминланади. Чунки маҳсулот сотиш уларнинг ўз ихтиёрида бўлиб, уни мустақил тасарруф қилади, даромад ҳам ўзларининг бўлади. Ундан келган фойданинг асосий қисми акцияларга мутаносиб ҳолда девидент сифатида аъзоларга берилади. Натижада ишлаб чиқариш муносабатларида туб ўзгаришлар содир бўлади.

Иккинчидан, молнинг хусусийлаштиришга, шунингдек, даромаднинг кўпайиши натижасида фойданинг ошиб бориши жамоа аъзоларига ўз маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ва цехлар қуриш имконини яратади. Яъни ферма жамоалари атрофида саноат базалари вужудга келади, қишлоқ хом ашё ўрнига тайёр маҳсулот сотишга ўтади. Бу ҳол келгусида тайёрлов корхоналарининг ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда ишлашларини таъминлайди.

Учинчидан, ферма жамоаларига ернинг ижарага берилиши чорва молларини йил давомида озуқа билан тўлиқ таъминлашга шароит яратибгина қолмасдан, балки заминнинг унумдорлигию самарадорлигини оширишга, йилига 2—3 марта ҳосил олишга, беда, ғалла, маккажўхори, кўк ўт майдонларининг кўпайишига, оқибатда эса ернинг мелиоратив ҳолатлари яхшиланишига ҳам олиб келади.

Буларнинг бариси ўз навбатида халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга имконият яратиши шак-шубҳасиздир.

САРКОР ИБРАТИ

СУРАТДА: моҳир бригадир М. Бойматов ва пудратчи К. Маматқулов чигит экиладиган майдонларни кўздан кечиришмоқда.

А. ЮСУФБОЕВ олган сурат.

Мирзаабдулла асл деҳқонлар сафида вояга етди. Отаси Убайдулла ака қишлоқнинг энг олди механизаторларидан эди. Бобоси Бойматбой бобо эса сувчиларнинг пири бўлган. Ёш деҳқон ўрта мактабни тугатгач, қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга кирди. Дипломли бўлгач, қадрдон колхозига йўл олди. Дастлаб механизаторлик қилди. Иқтидорли заршуносни қолоқ бригадага бошлиқ этиб тайинлашди. Мана ўн йилдирки у ишончни оқлаб келаяпти.

— Оғир шароитда иш юритамиз, — дейди бригадир. — Шундай бўлса-да ички имкониятлардан унумли фойдаланиб ҳар йили баракали ҳосил етиштиряпмиз. Бу йил табиат деҳқонни сийламоқда. Дақиқалар қадрига етиб, чигит экишни намунали олиб боряпмиз. Механизатор ва сеялкачилар ижро интизомига қатъий риоя қилишмоқда. «Наманган-1» чигит нави бизга ғоят маъқул тушди. Муҳим ишда Тўхтасин Йўлдошев, Юсуфжон Бекмирзаев кабилар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Мирзаабдулла Бойматовнинг тажрибаси, ташкилотчилиги асқотмоқда. Ҳалимахон Абдуллаева, Дилбархон Каримова, Ҳамиджон Тўраев бошлиқ бригадаларда ҳам муҳим агротехник тадбир оби-тобида ўтказилаяпти. Уйчи районидаги «Бирлашган» жамоа хўжалиги заршунослари бу йил ҳар гектар ерга 40 центнердан пахта ҳосили олишмоқчи. Далаларда иш қизғин. 10 дан ортиқ сеялка унумли ишлатилмоқда. Сўнгги беш кунликда Одилжон Отахонов, Камолиддин Раззоқов, Юсуфжон Раҳмонов каби механизаторлар ғолиб деб топилдилар.

Райондаги Охунбобоев номли, «Ғайрат», «Зарбдор» жамоа хўжаликларида ҳам чигит экиш зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

МИЛЛИЙ УСЛУБДА

Қизилтепа туман Хўжаҳасан қишлоқ шўросидаги Бўстон давлат хўжалигининг Тошработ қишлоғида 65 ўринга мўлжалланган янги «Лаззат» ошхона-чойхонаси ишга тушди. Уни туман матлубот жамиятининг Ғози Тошев раҳбарлигидаги қурувчилар жамоаси қуриб битказишди. Равшан Рўзиев, Ёндаш Шопўлатов, Низом Назаров каби самарқандлик дурадгор-наққошлар ошхонанинг ҳар бир устунини ўймакорлик асосида безаб ишлов бердилар. Муҳиддин Музаффаров бошлиқ рассомлар ошхона деворларига шарқона безаклар чизиб, Аҳмад Яссавий, Мукимий, Фурқат, Атоий, Навоий, Бобурнинг тарбияга оид фикрлари ва назмларидан ёзиб чиқишди.

Ошхона ҳовлисига ҳовуз қазилиб, атрофида қариялар, ёшлар, ёш болали оналар овқатланиши учун алоҳида жойлар ташкил этилди. Ҳозир ошхонада 12 хилдан зиёд турли миллий таомлар тайёрланмоқда. Моҳир ошпаз Иброҳим Тиллавов мижозларга хизмат қиляпти.

С. ЭГАМОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЛАБАЛАР МЕҲМОНИ

Зангиота тумани ҳудудидаги Тошкент қишлоқ хўжалик техникумида «Ўзбекистон овози» газетаси журналистлари билан учрашув бўлиб ўтди. Талабалар ҳузурига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби, «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш комиссиясининг раиси М. Қирғизбоев, газета бош муҳаррири Ш. Убайдуллаев, Тошкент вилояти партия кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов, шунингдек бир гуруҳ таниқли журналист ва ёзувчилар таклиф этилиб келишди.

Техникум директори Асомиддин Маҳсумов учрашувни оча туриб шундай деди:

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош нашри ижодкорлари билан қутлуғ сана арафасида бўлаётган учрашувимиз бизга алоҳида қувонч бағишлайди. Чунки отахон газетамиз республиканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини равнақ топтиришда, одамларни маънан тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг даъвати билан ҳаётимизда, турмушимизда ўзгаришлар ясадик, унинг рағбати билан ишда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритдик, унинг бегараз, самимий танқиди билан камчиликларни тузатдик. Бу шарофатлардан Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми ҳам баҳраманд бўлган.

Учрашувда сўзга чиққан М. Қирғизбоев, Ш. Убайдуллаев, таниқли адиб ва публицист М. Қориев, шоир Ж. Жабборов ва бошқалар бундай байрам учрашувлари биринчи навбатда юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаётдан шукроналик белгиси эканлигини, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мустақилликни мустаҳкамлаш учун олиб борилаётган эзгу кураш ишига талабалар ҳам, кексалар ҳам, меҳнат кишиси ҳам, ижодкор ҳам бирдек ҳисса қўшиши кераклигини, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшларга катта умид билан қараётганлигини, уларга таянишини таъкидладилар.

Учрашув сўнггида бир гуруҳ талаба ёшларга тантанали равишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолиги билетлари топширилди.

В. ЮСУПОВ.

ҚАНДИНГНИ УР, «САНОАТ»

Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати қошидаги «Саноат» кичик корхонасида дастлаб иш юришиб кетмади. Ишчиларнинг қўнимсизлиги авжига чиқди. Директор Юсуфжон Аҳмедови бу ҳол анча ўйлантириб қўйди. Ҳақиқатан ҳам кичик корхонада аҳвол яхши эмас эди.

Ю. Аҳмедов ишчилар билан суҳбатлашди. Кичик корхонани оёққа турғазиш йўлларини излади. Кўп кузатувлардан сўнг корхонанинг истиқболи борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Юсуфжон тармоқлардаги дастгоҳларни таъмирламай туриб аҳволни ўнглаб бўлмаслигини тушунди. Комбинат раҳбарларидан зарур ёрдам кўрсатишларини илтимос қилди. Унинг талаблари инобатга олинди. Дастгоҳлар таъмирланди. Ишлар юриша бошлади. Бутун имконият маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилди.

— Бу ерда асосан йирик ғишт тайёрланади, — дейди Ю. Аҳмедов. — Иш икки сменада ташкил этилган. Ишчиларимиз сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун астойдил курашмоқдалар. Ана шу туфайли мижозларимиз кўпайди. 1993 йили режа 121 фоизга ошириланди. Бир сменада 2000 дона ғишт қуйиляпти. Харидорлар Сирдарё, Гулистондан келишаяпти.

Бугунга келиб корхонада қоришма тайёрлаш, аралаштириш, маҳсулотни ортиш механизациялашди. Буюртмалар уч кун ичида бажарилмоқда. Ҳозир жамоа ишчилари ғишт тайёрлаб бериш билан бирга уйнинг пойдеворини, деворини кўтариб, устини ёпиб бериш сингари юмушларни ҳам бажаришмоқда. Кичик корхонанинг Фарид Ҳожибоев, Суннат Очилов, Фурқат Иброҳимов, Аҳрол Исматуллаев, Ирисали Умаров, Эркин Ниёзонов каби бунёдкорлари намуна бўлишмоқда.

Т. ЭРҲЎЖАЕВ.

Баҳорнинг ҳар дами олтинга тенг

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ойбек номли Термиз Давлат дорилфунунининг бир гуруҳ олимлари Қизириқ туманидаги «Гиламбоб» давлат хўжалиги деҳқонлари билан ҳамкорлик қилишмоқда. Уч-тўрт йилдан буён ҳар йили минг гектардан знёд майдонга чигит лазер билан нурлантириб экиляпти. Натижада уруғ бехато, тез униб, ниҳоллар жадал ривожланяпти. Шу туфайли кўсаклар барвақт очилиб ҳосилдорлик юқори бўлмоқда.

Амалдаги йилда хўжалик миришкорлари 3514 гектар майдонда Термиз-16 навли ипак пахта етиштиришни режалаштиришган. Унинг бир қисмига таъкидлаганимиздек, чигит лазер нури билан ишланиб, сўнг экилади. Хўжаликда пахта майдони бултургидан 110 гектарга қисқарган бўлса-да, ялпи ҳосил асло камаймайди. Деҳқонлар ҳосилдорликни ошириш ҳисобига жорий йилда қарийб 12 минг тонна ипак пахта етиштиришга аҳд қилдилар. Бу йилги баҳор нафақат чигит, балки бошқа экинларни ҳам барвақт экиб, эртаги ҳосил етиштириш учун қулай келмоқда. Хўжалик деҳқонлари чигит экишни 4 апрелда бошладилар. Ҳозирга қадар 13 та бўлимда 75 та сеялка тақилган трактор, худди шунча борона унумли ишлатиляпти. Ҳар куни 300—350 гектар майдонга уруғ ташланмоқда.

Жарқўрғон пахта тозалаш заводидан сара уруғ пешма-пеш ташиб келтирилмоқда. Деҳқонлар бурунгидек ҳар гектарга 80—100 килограммдан эмас, 50—55 килограммдан уруғ сарфлашяпти. Шу туфайли маблағ тежалмоқда. Ҳисобкитобларга қараганда уч ярим минг гектар майдондан қарийб ўн бир миллион сўмни тежаш мумкин экан. Ҳозир бир метрга 32—35 дона уруғ 4—5 сантиметр чуқурликка ташланаяпти. Ҳарорат кўтарилиши билан деҳқонлар уруғни яна бир сантиметр чуқурроқ, яъни тупроқдаги намга яқинроқ ташлашни режалаштиришган.

Хўжалик бош ҳосилоти Соат Жовлиев билан биргаликда чигит экилаётган далаларда бўлдик. Кўклам меҳнат билан кўркам, деганларидек, хўжаликдаги техниканинг асосий қисми далага қўчиб чиққан. Дала бошида уруғлик ортилган тележка шай турибди. Ҳозир чигит экишда Абдусатор Аллаёров бошқарувчилик қилаётган 3-бўлим заршунослари пешқадам.

Бўлим деҳқонлари бултур ҳам йиллик режани хўжаликда биринчи бўлиб уддалаган эдилар. Ҳар гектар майдондан 36 центнердан хирмон кўтаришган. Амалдаги йилда режадаги 820 тонна ўрнига минг тонна ипак пахта етиштиришни мўлжаллаётган фидокорлар ҳозиргача 170 гектар майдонга чигит экишди. Далаларда бешта сеялка ишлатилмоқда. Улар энг тажрибали механизаторларга ишониб топширилган.

Ана шундай тажрибали механизаторлардан бири Жўра Раҳмоновдир. У Самад Турдиқулов бошлиқ бригадада 30 гектар майдонга барака уруғи қадашни хўжаликда биринчи бўлиб тамомлади. Шунингдек, Нортўра Раҳмонов, Абдусоат Ўмаров, Хўжан Ҳасанов бошлиқ бригадаларда ҳам чигит экиб бўлинди.

— Тадбир ҳар йилдагидан уюшқоқлик билан олиб борилаяпти, — дейди бош ҳосилот. — Биз уч минг гектар майдонга уруғни 20 апрелгача экиб бўламиз. Механизаторларга, сеялкачиларга, умуман, экишда қатнашаётганларга иш ҳақи тўлашнинг қайта кўриб чиқилиши ҳам яхши бўлди. Чигитни барвақт экиб, бир текис ундириб олган бўлим деҳқонларининг ҳаммаси бир ойлик маош миқдорида раҳбатлантирилади.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Пиллачилик

САРА ҲОСИЛ ГАРОВИ

Республикамиз хўжаликларида ипак қурти боқиш мавсумига қизғин киришилди. Шу кунгача 20 миллион туп тут кўчати экилди. Бухоро, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари хўжаликлари кўчат экишда пешқадам. Уларда режа ортиғи билан бажарилди. Аммо Қорақалпоғистон республикаси (23,8 фоиз), Андижон (52,5 фоиз), Сирдарё (40,5 фоиз) ва Тошкент (53,3 фоиз) вилоятларида эса муҳим тадбирга эътибор берилмаяпти. Мавжуд тутзорлар вақтида парвариш қилинса, мўл ва тўйимли барг ҳосили олинади. Афсуски, бу борадаги иш Навоий, Фарғона вилоятларида кўнгилдагидек ташкил этилмаган.

Шу йил бешинчи апрелда Тошкент шаҳрида вилоят пилла етиштириш бирлашмаларининг раҳбарлари, илмий текшириш институтининг олимлари ва республика гидрометеорология бош бошқармаси мутахассислари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари бу йилги обҳавонинг апрель ва май ойларида қандай келишига қараб, кўп йиллик маълумотларга асосланган ҳолда, ипак қурти уруғини жонлантириш муддатларини ҳар бир вилоятнинг шароитини эътиборга олиб тахминан белгилаб бердилар.

Ипак қурти уруғини инкубаторияларда жонлантириб, қурт боқувчиларга тарқатилишига оз вақт қолди. Шунга қарамасдан баъзи вилоятларда тайёргарлик ишлари сust. Уруғ жонлантириладиган инкубаторияларни тайёрлаш Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон, Хоразм ва Навоий вилоятларида шу кунгача 15,4—52,2 фоизга бажарилган, холос.

Пилладан юқори сифатли ҳосил етиштиришда қурт боқувчи хонадон шароитини, ишчи кучини ҳисобга олиш муҳимдир. Ҳозир шу мақсадда хонадонлар рўйхатга олинмоқда. Бу иш Қорақалпоғистон Республикасида 33,4 фоизга, Бухорода—41,5, Навоийда—41, Самарқандда— 45 ва Хоразм вилоятида 53,4 фоизга амалга оширилган.

Агротехника талабларига мувофиқ ҳар бир қути ипак қурти учун камида 70 квадрат метр жой талаб этилади. Жой ҳозирлаш Хоразм, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилояти хўжаликларида айниқса, сust олиб бормоқда.

Маълумки, 1992 йилги мавсумда етиштириладиган пиллага ўртача 32 сўм харид нархи белгиланган ва у пиллачилар талабини қониқтирмас эди. Шунинг учун республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан пиллачиларни моддий рағбатлантиришни яхшилаш мақсадида етиштириладиган ҳар бир килограмм пилла учун 45 сўм ва ижара учун 10 сўмдан пул тўлаш тавсия этилди. Лекин бу тавсия ҳамма хўжаликларда қўлланди, деб бўлмайди. Энди бундай камчиликларга йўл қўйиб бўлмайди.

Бултур давлат томонидан белгиланган ҳамда бу йилги тавсияда кўрсатилган нархлар бўйича пиллачининг оладиган даромади пилла сифатига боғлиқ. Шу ўринда бир мисол: Самарқанд вилояти, Челак район Навоий жамоа хўжалиги илғор пиллакори Зулайҳо Абдуллаева 1992 йили 2 қути ипак қурти боқиб 200,4 килограмм ҳосил етиштирди. Ҳосилининг 62 фоизи юқори (олий, I ва II) навларни ташкил қилди. Топширган хом ашёсининг юқори сифатли бўлиши ҳисобига у 7431 сўм 72 тийин даромад қилди. Шу райондаги Неъмат Азимов номли жамоа хўжалигидан Зулайҳо Расулова эса шунча миқдордаги ипак қуртини боқиб, агротехникага риоя этмаганлиги туфайли бор йўғи 63 килограмм ҳосил етиштирди. Бунинг эвазига у атиги 2011 сўм 37 тийин ҳақ олди. Ёки З. Абдуллаевага нисбатан 5420 сўм 35 тийин кам даромад қилди. Ҳалол пиллачи бу йилги мавсумда 1992 йилги миқдор ва сифати бўйича пилла етиштирсалар, у ҳолда тавсиявий нархлар бўйича З. Абдуллаева 56.427 сўм даромад кўради. Ёки у бултурги даромадига нисбатан 48,995 сўм кўп бўлади. З. Расулова эса 19.716 сўмлик бўлади. Бошқача айтганда, етиштириладиган хом ашёнинг сифати юқори бўлиши ҳисобида Зулайҳо Абдуллаевага ҳамкасбига қараганда тавсиявий нархлар бўйича 37.601 сўм кўп ҳақ чиқади.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, бу йилги мавсумда пилладан мўл ва юқори сифатли ҳосил етиштиришимиз учун ҳар бир юмушни, ўз вақтида амалга оширишимиз, қурт боқиш агротехникасига қаттиқ риоя қилишимиз лозим.

А. АЛИЖОНОВ,
Республика пилла етиштириш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.
А. КЕНЖАЕВ,
бирлашма мутахассиси.

ЖАДАЛ СУРЪАТ

Биз Қоракўл районидаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалигида бўлганимизда қизғин меҳнатнинг устидан чиқдик. Жамоада ерга уруғлик қадаш ёппасига бошлаб юборилган. Ҳамма далада. Мавсумни сифатли ва тез ўтказиш учун барча воситалар сафарбар қилинган. Мавжуд 10 бригадада сеялка таққан 10 трактор шитоб билан ишлаяпти.

Саъдулла Болтаев бошлиқ бригада далаларида чигит экиш айниқса, жадал суръат билан олиб борилмоқда. Одамларнинг кайфияти яхши. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Саъдулла Арслоновни ҳам шу ерда учратдик. У хўжаликларга кимёвий хизмат кўрсатиш район бирлашмасининг бошлиғи Абдулла Ҳусаинов билан иш сифатини текширишаётган экан.

— Экиш сифати ҳосил тақдирини белгилайди, — дейди хўжалик раҳбари Арслонов. — Деҳқонларимиз ҳар йили уруғлик қадашни сифатли ўтказишади. Натижада йилни самарали якунламоқдамиз. Бу йил ҳам экишга пухта тайёргарлик кўрдик. Бунинг учун бултурдан замин яратила бошланди. Ҳосилдан бўшаган майдонлар сифатли шудгорлаб қўйилди. Қиш давомида ер маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйинтирилди. Бозор иқтисодиётининг қийинчиликларига қарамасдан уруғлик, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини ғамлаб қўйганмиз. Иш бошланганига икки-уч кун бўлди, лекин чигит экиладиган майдоннинг қарийб ярмига уруғлик қадаб бўлдик. Мазкур бригадада ҳам 83 гектар майдоннинг деярли ярми экиб бўлинди.

Дарҳақиқат, экилган майдонлар ҳажми кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, бу борада Фахриддин Каримов, Карим Ҳалимов бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилишаяпти. Эсон Ғофуров, Умрзоқ Ҳасанов ва Муҳиддин Бешимов каби механизаторларнинг ҳар бири кунига 8—10 гектар майдонга чигит экмоқда.

— Ҳозиргача, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Саъдулла Арслонов. — Ҳеч нарсадан камчилик сезаётганимиз йўқ. Мавсумни 18 апрелгача тамомлашни ният қилиб қўйдик. Мақсадимиз жорий йилда ҳар гектар ердан 30,5 центнердан хирмон кўтариб, давлатга 2095 тонна оқ олтин сотиш.

Хўжаликда баҳорги ишлар бир маромда бормоқда. Жамоа ўтган йили ҳам режани ортиғи билан уддалаган эди. Натижада бир неча миллион сўм соф фойда олинди. Одамларнинг моддий манфаатдорлиги ошди. Бултур жами қабул пунктларига 2144 тонна оқ олтин топширилди. Ҳосилдорлик эса қарийб 31 центнерга яқинлашди.

Ҳозир жамоада кўкламги барча экинлар экиб бўлинди. 38 гектар майдонга беда, 19 гектарга дон учун макка, 10 гектар ерга ем учун лавлаги, 10 гектарга полиз, 9 гектарга сабзавот экинлари уруғи қадалди. Бугун эрта униб чиққан ниҳоллари парваришлаш бошлаб юборилади.

В. НОСИРОВ,
Ҳ. КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбирлари.

БИР ТЕКИС УНДИРИБ ОЛАМИЗ

Деҳқончиликда ҳар бир ишни, белгиланган тадбирларни бамаслаҳат амалга оширсангиз ютқазмайсиз. Биз ўз ишимизда доимо шунга амал қиламиз. Бу йил ҳам механизаторлар, сеялкачилар билан дала бошида амалий машғулот ўтказдик. Агрегатлардан қандай фойдаланиш, сеялкаларнинг ишчи қисмларини қандай ўрнатиш ва мослаш ҳақида фикрлашдик. Бригадаларда ишни тақсимлаб олдик. Айниқса, ерни тайёрлашга, тупроқни майин қилиб юмшатишга катта эътибор берилди. Чунки бизда ҳар йили туксизлантирилган чигит экилади. Бунда ҳар гектарга одатдагидек 70—80 килограмм эмас, бор йўғи 30—35 килограмм уруғ сарфланади. Яганага эҳтиёж қолмайди. Лекин юқорида айтганимиздек, ер обдон текисланиб яхши тайёрланган бўлиши керак. Ана шунда уруғ ерга тушгач, бир текис униб чиқади.

Деҳқонларимиз, механизаторларимиз, сеялкачиларимиз мақсадга эришдилар, деб бемалол айтиш мумкин. Экиш оби-тобида ўтказилди ва районда биринчилардан бўлиб тадбирни тугалладик.

Механизаторлардан Бахтиёр Абдужалилов, Фахриддин Ражабов, Жумағали Абдурахмонов, сеялкачилардан Абдуҳаким Шотемиров, Абдулла Тўйчиев, Сафар Оқжонов ўртоқларнинг хизматлари айниқса, катта бўлди. Раҳмонхўжа Саидов, Абдуфайз Раҳмонов ўртоқлар бошлиқ пахтачилик жамоалари ҳар йилдагидек, бу йил ҳам экишни эрта бошлаб, эрта ниҳоясига етказдилар. Бу бригадаларда суғориладиган майдонларда буғдой, кўкпоя учун маккажўхори ҳам етиштириладн. Кузда экилган буғдой ҳозир гуркираб ўсмоқда. Маккажўхори ниҳоллари ҳам кўзга ташланаб деб қолди. Умуман, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жамоаларда чорва озуқаси экинлари ўстиришнинг фойдаси катта. Алмашлаб экиш учун кенг имкониятлар яратилади.

Бундан буёнги эътибор экилган чигитни ернинг намига бир текис ундириб олишга қаратилади. Бунинг учун барча тайёргарликларни кўриб қўйганмиз. Об-ҳавога ишониб бўлмайди. Қатқалоқни юмшатадиган асбоб-ускуналарни ҳам шай қилиб қўйганмиз. Ниҳоллар кўзга ташланиши биланоқ культиваторлар далага олиб чиқилади ва биринчи ишловни бошлаб юборамиз.

Ваҳоб МИРЗАҚУЛОВ,
Бўка районидаги С. Саймоқов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

ПАРВАРИШ АВЖИДА

Мустақил Ўзбекистонимиз далаларида асосий экин — пахта билан бир қаторда дон етиштиришга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Йилдан-йилга ғаллазорлар кенгаймоқда.

Қарши туманидаги «Қовчин» ширкат хўжалигида ҳам ана шу бебаҳо ризқ-рўзимизни етиштиришга кенг майдонлар ажратилмоқда. Кузда хўжалик ғаллакорлари 750 гектар ерга дон сочиб, мавжуд пайкалларда бўлиқ майса ундириб олишга эришган эдилар. Шу кунгача ғаллазорлар бир марта минерал ўғит билан озиқлантирилди. Энди эса майсалар об-ҳаётга қондирилмоқда. Бу ишда Чори Жабборов, Азим ва Комил Мирзаев каби ишчилар ғайрат-ташаббус кўрсатишмоқда.

Суюн Кенжаев, Знёд Сувонов, Баҳодир Абдуллаев ва бошқалар етакчи бўлган ғаллачилик бригадаларида ғалла парваришн агротехник талаблар даражасида олиб борилмоқда. Ҳар гектар майдондан 30 центнердан дон йиғиштириб олишга жазм айлаган ғаллакорлар ҳозирдан ўрим мавсумига ҳам қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Х. НАЗАРОВ.

ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛИНДИ

Денов туманидаги Ш. Қобилов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари биринчилар қатори чигит экишга киришган эдилар. Улар куни кеча мавжуд 874 гектар майдонга барака уруғи қадаб бўлишди. Пушталарга «Бухоро-6» навли уруғ сифатли экилди.

Миришкорлар қулай фурсатлардан самарали фойдаланишди. Ҳ. Хўжамбердиев, О. Эшмирзаев, Н. Қобилов, Х. Шоимов, Э. Сулаймонов ва Л. Отамуродовлар етакчи бўлган бригадаларда суръат ҳам, сифат ҳам айниқса юқори бўлди. Илғор механизатор ва сеялкачилар кунига 8—10 гектарлаб майдонга чигит қадашга эришдилар.

Ў. БЕКМУРОДОВ.

ХУШХАБАР

● Косонсой туман алоқачилари халқаро сўзлашувлар учун тушган буюртмаларни тез ва соз бажарадиган бўлиб қолишди. Бу ерда ишга туширилган автомат станция Косонсой билан Ўзбекистондаги ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидаги шаҳарларини боғлайди.

Компьютерлр билан жиҳозланган станция алоқачиларга беш миллион сўмга тушди. Энди тумандаги йирик қишлоқларнинг барча аҳолиси хоҳлаган жойи билан бемалол гаплашадиган бўлиб қолди, телефон суҳбатлари эса янги станция орқали анча арзонга тушмоқда.

● Бухоро пармалаш техникаси заводида янги маҳсулот — ем-хашакни майдалаб берадиган агрегат ишлаб чиқарилди. Корхонани ривожлантириш истиқболларини излаш туфайли завод ходимлари шу янгиликни жорий этишга бел боғладилар. Ҳозир техникани кўпгина турларини республикага етказиб бериш тўхтаб қолганини эътиборга олиб, улар қишлоқ хўжалиги ва айниқса чорвадорлар учун ғоят зарур бўлган шу механизмларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга шай бўлиб турушибди.

СЕРҲОСИЯТ НЕЪМАТ

Ажойиб сабзавот тури ҳисобланган карам эрамиздан аввал ҳам маълум эди. Фаннинг тасдиқлашича, карам тош асрининг охиридан ўстирила бошлаган. Атлантика океанининг Европа қирғоқлари унинг илк маскани эканлиги аниқланган.

Карам иқлими ва табиати энг қулай ҳисобланган қадимги Юнонистонга етиб келгунча кўп замонлар ўтди. Бу ўсимлик шу мамлакатда кенг тарқалиб, қадр топди. Ривоятлардан бирида айтилишича, буюк саркарда Искандар Зулқарнайн лашкарларига куч-қувват бахш этиш учун жангдан олдин уларга карам истеъмол қилдирган.

Бу ўсимликка бўлган қизиқиш юнонлардан римликларга ўтган. Ҳозир биз истеъмол қилаётган кўпгина карам навларини шу римликлар етиштиришган. Қарийб ҳар бир римлик ўз чорбоғидаги экинзорида, албатта, уни ўстирган. Ҳатто жаҳонга машҳур математик Пифагорнинг ҳам диққатини ўзига қаратган, бу ажойиб неъмат. Карам экишни юнонлар ва римликлардан сўнг Европа халқлари ҳам ўрганиб олишди. Қадимги Русда карам ҳақидаги илк маълумотлар XII асрга тўғри келади. Славянлар карам экиш билан эрта шуғуллана бошлашган. «Карам» деган ном ҳам ўшалардан чиққан. Карам боши, маълумки, думалоқ бўлади. Лотинчада бош «капут» дейилади. Бора-бора карам Ўрта Осиёда ҳам экила бошланди.

А. АЛИЕВ
тайёрлаган.

Пискент районидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Хўжаликда мавжуд боғ ва токзорларни яхши парвариш қилиш билан бирга янгиларини барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Токлар сим бағазларга кўтарилганлиги, мевали боғлар агротехника талаблари асосида парвариш қилинаётганлиги муҳим аҳамият касб этаяпти. Ҳозирги баҳор пайтида боғ ва токзорларда барча юмушлар янада қизитиб юборилган.

СУРАТЛАРДА: 1. 38 гектар олмазорни ижарага олиб ишлаётган Усмонали Маҳмудов ва Маҳамаджон Дадажоновлар. 2. Токлар оралиғи юмшатилаяпти.

Е. БОТИРОВ олган суратлар.

Хотира

ДЕҲҚОН ДАСТХАТИ

Не бахтки, Қўчқор акадан қутлуғ мерос бўлиб яхши ном қолди. У 1910 йили деҳқон оиласи — Абди бобо хонадонида таваллуд топди. Болалигидан меҳнатга, айниқса деҳқончиликка меҳр қўйди. Ёш Қўчқор «Отамнинг, онамнинг тантиқ ўғлиман», деган бебош туйғудан тамоман бегона эди. Эсини танибдики, ҳаётини заҳматкашлар даласи билан боғлади. У пайкалларга деҳқон дастхатини битган ажойиб инсон эди...

Қўчқор ака кўп йиллар колхозда ҳосилот бўлиб ишлади. 1946—48 йиллари ҳосилдордик атиги 16—18 центнердан ошмас, деҳқончиликнинг муаммолари бисёр эди. Аста-секин ҳосилдорлик ошиб борди. Суяги меҳнатда қотган, бутун умри далада кечган қарияларнинг эслашича, 1948—1956 йиллар оралиғида деҳқончиликда тажриба мактаби яратилди. Ўша йиллари ҳосилдорлик 47 центнерга чиқди. «Ҳамма нарсанинг отаси — меҳнат..», дерди Қўчқор ака. У ана шу мактабнинг умр бўйи сабоғини олган деҳқонлардан бири эди.

Шейхларкент ва Қоракўйли қишлоқлари ҳудудидаги далаларда уста пахтакорнинг муборак излари қолган. Қўчқор ака ҳар икки қишлоқда бригадаларга етакчилик қилган, қаерда бўлмасин — элнинг олқишини, ҳурматини қозонган. У шу тариқа 30 йилдан кўпроқ вақт бригадирлик номини ардоқлаган. Саркорлик юки қанча оғир бўлмасин, уни жамоа билан ҳамкорликда даст кўтарган.

— 1954 йил эди, —эслайди Ойбуви опа Жумаева. — Қўчқор ака Шейхларкент қишлоғимиздаги бригадага етакчи, биз— бир талай қизу жувонлар шу жамоага аъзо эдик. Эрта азонда ёки тушликда далага бир челак нури, ҳеч қурса, эски деворнинг тупроғини кўтариб бормасак — кўнглимиз тинчимасди. Бригадиримиз қаттиққўл ва талабчан, шунинг баробарида ғоят меҳрибон, кўнгилчан инсон эди. Ўртадаги меҳр-оқибатни айтмайсизми?! У пайтлари «Қўл — ишда, ҳақ — дилда, меҳр эса икки кўзда» экан-да, айланай!

Биз Иштихон районидаги Азиз Йўлдошев номли жамоа хўжалиги далаларини, донгдор пахтакор Қўчқор Абдиев истиқомат қилган Шейхларкент қишлоғи кўчаларини айландик. Ҳамроҳим — Қўчқор аканинг шогирдларидан бири, эндиликда ўзи устоз деҳқон —хўжаликнинг 7-бригадаси бошлиғи Файзулла ака Мирзаев билан мириқиб суҳбатлашдик. Айланиб-айланиб йўлимиз чоғроққина боғи бор дала шийпонига тушиб қолди. Суҳбатимиз яна Қўчқор ака хотирасига бориб тақалди. Улуғ айём кунлари марҳумларни ёд олиш, руҳини шод этиш — биссавоб. Нозик Турдиалиева, Хосият Абдураззоқова, Умид Қувватова сингари опахонлар ва онахонлар Қўчқор акани устоз ва ҳақиқий деҳқон сифатида эслашди, хотираларидан сўзлашди.

— Ажойиб инсон эди раҳматлик, — деди Файзулла ака. — Хўжалигимизда, умуман районимизда Қўчқор акага ўхшаганлар деҳқончилигимиз фахри эди. У кишига «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» унвони бежиз берилмаган, шунга муносиб деҳқон эди.

Бир воқеа сира-сира эсимдан чиқмайди. Қайси бир йили Қўчқор ака ҳосилотликдан бўшаб қолди. Камтарлиги шунчалик эдики, у қўлига кетмонини олиб, оддий колхозчи бўлиб ишлай бошлади. Бундай хислат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Кечга яқин биз марҳумнинг чироғини ёқиб ўтирган хонадонлардан бирига ташриф буюрдик. Қўчқор аканинг тўртинчи фарзанди Илҳом раис истиқболимизга пешвоз чиқди. Даврамиз кенгайгандан кенгайиб борди.

Хидир БОБОҚУЛОВ: — Мен 1961—69 йиллар шу хўжаликка раислик қилдим. Унда колхоз Фрунзе номи билан аталгувчи эди. Ўтган йили хўжалигимизга Азиз Йўлдошев номи берилди. Хайрият, қадриятларимиз тиклана бошлади. А. Йўлдошев кўп йиллар жамоага раҳбарлик қилган. Марҳумнинг номи абадийлаштирилиб, хайрли ишга қўл урилди.

Қўчқор Абдиев донгдор бригадирларимиздан бири эди. Меҳнаткаш, камтар, қаттиққўл. Кези келганда, биз ҳам у кишининг маслаҳатларига қулоқ тутганмиз, тажрибаларига таянганмиз. Жўяли, деҳқонга хос, ҳаётий йўл-йўриқлари билан ишимизнинг олга кетишига ёрдам кўрсатарди. 1964—65 йилларда унинг бригадаси энг юқори ҳосил етиштириб, донг таратди. Ўша йиллари 129 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу бригада саркори ва жамоаси учун нуфуз ва обрў келтирди.

Жиян АЛИМОВ, меҳнат фахрийси: — Раҳматлик Қўчқор Абдиев атиги 61 йил умр кўрди. То сўнгги нафасигача пахта, пахта деб — даласини ўйлади. Ўзи шифохона тўшагида ётибди-ю, «Ғўзалар аҳволи не кечдийкин?!» дейди.

Улошхон ҚОДИРОВ, хўжалик ем-хашак бригадаси бошлиғи: — Қўчқор ака элимизнинг тўю маъракаларида ўзи бош-қош эди. Талабчан, қаттиққўллигига таъриф йўқ. Аъзоларига парвона. Ҳатто колхозчисининг тегирмонини ҳам ўзи тортиб келишга ҳозиру нозир инсон эди раҳматлик.

Яхшини эслайдиганлар кўп. Ўша куни механизаторлар Акабой ака Қаҳрамонов, Абдулла Нормуродов, Худойназар Худойбердиев, 8-ўрта мактаб директори Тошпўлат Мавлонов ва бошқалар Қўчқор аканинг номини катта эҳтиром билан ёдга олишди. Нурон Турдиалиев, Қаршибой Хўжамуродов ва Ўроқбой Қаҳрамонов каби тракторчи ва шофёрлар дил сўзларини айтишди.

Бугунги кунда Қўчқор аканинг 7 нафар фарзанди бунёдкорлар сафида. 71 ёшли Қантой опа неваралар қуршовида. Умр йўлдошининг руҳи олдида ҳамиша таъзимда.

Фарзандлар... Ҳар бири бир олам. Марям — Иштихон районига қарашли Шейхлар қўрғонида савдо ходими, Синдор — 33-ўрта мактабда чет тили муаллими, Розия — Иштихон марказий банкида бош кассир, Илҳом — жамоа хўжалигида бошқарув раиси, Раъно — 51-ўқув билим юртида ўқитувчи, Шуҳрат — район «Узсельхозтехника»сида шофёр.

Демак, пахтакор Қўчқор ака Абдиев боқийликка даҳлдор. Унинг беғоён далалардаги деҳқонча дастхати ҳам абадийдир.

А. ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ

Бундан 50 йил муқаддам тарихимизда биринчи миллий ўзбек цирк жамоаси ташкил топди.

Уруш даврининг оғир шароитига қарамай, ҳукуматимиз муҳим санъатни ривожлантиришга бош-қош бўлди ва керакли маблағ ажратди. Орадан уч ой ўтгандан сўнг — жамоа 1942 йилнинг кузида ўзининг дастлабки томошасини кўрсатди.

Ўзбек цирки жамоасининг биринчи дастури уч бўлимдан иборат эди. Уни иқтидорли режиссёрлар Н. С. Байкалов ва Бобо Хўжаев саҳналаштирган. У ўз ичига қуйидаги ўйинларни қамраб олганди: Ўзбекистон халқ артисти Карим Зарипов раҳбарлигидаги чавандоз йигитлар чиқиши: «бесуяклар» томошаси, қиличбоз Азизхон, ёғочоёқ Ҳайдаров, от ўргатувчиси Муҳаммад (Чаққон) Хўжаев ва унинг қизи от ўйинчиси Лола Хўжаева, масҳарабоз ака-ука Заставниковларнинг ўргатилган итлар билан чиғириқ устида, Тожи Аълоев раҳбарлигидаги полвонлар чиқишлари, РСФСР ва Ўзбекистон халқ артисти, Меҳнат Қаҳрамони Тошкенбой Эгамбердиев раҳбарлигидаги дорбозлар гуруҳининг қизиқарли ва жозибали томошаларидир. Яна Ўзбекистон халқ артисти Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва Усмон қори Раҳимбеков, Акром Юсупов ва Павел Ульяновлар ҳам масҳарабозлик ва қизиқчилик ўйинларида қатнашганлар.

Шундан сўнг миллий цирк дастури 50 йил давомида мамлакатимизнинг турли шаҳарларида катта муваффақият билан намойиш этилиб келинмоқда, Ўзбек цирки артистларининг ўзига хос санъати хорижий томошабинларга ҳам таниш.

Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг етакчи арбобларидан бири шоир Ғофур Ғулом, балетмейстерлар Али Ардобус ва Е. Барановский, бастакор Мамажон Ниёзов, рассомлар Ш. Шораҳимов ва Е. Гольдштейн каби маданиятимиз жонкуярлари миллий цирк жамоасини ташкил этишда ва ғуллаб яшнашида ўз хизматларини аямаганлар. Бугун Ўзбекистон циркининг 50 йиллиги олдидан уларнинг ҳар бирини номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ўзбек циркининг 50 йиллик байрамига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Бу ўринда санъатшунослик доктори, цирк санъати Халқаро Академиясининг фахрий академиги Тўлқин Обидов хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Устоз ўттиз йилдан бери цирк санъатини илм-фан даражасига олиб чиқиб, дунёга танитиш борасида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Ўзбекистон ойнаи жаҳонида «Ўзбек миллий циркининг шонли йўли» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда ҳамдўстлик мамлакатлари, хорижий цирк санъати усталари, санъатшунос олимлар иштирок этдилар.

Тошкент цирки биноси олдида катта дастурда Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятидан келган қизиқчию масҳарабозлар, полвону дорбозлар чиқишлари уюштирилди. Цирк фойесида «Ўзбекистон цирки рассомлар нигоҳида» кўргазмаси ташкил этилди. Унда республикамизнинг иқтидорли рассомлари чизган суратлар ўрин олган.

Республика циркида 12 апрелдан бошлаб таниқли цирк артистлари, дорбозлар, қизиққчию масҳарабозлар, афсунгору кўзбойлағичларнинг чиқишлари бўлиб ўтмоқда. Айниқса Одим Тошкентбоев, Карима Зарипова, Ойдин Тошкентбоеваларнинг қизиқарли ва қувноқ томошалари барчага қувонч бахш этмоқда.

Ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлаётган жамоамизнинг ниятлари улуғ. Улар бозор иқтисодиёти туфайли бугун бироз хорғин бўлган одамлар қалбига нур олиб кириш, уларга қувонч бахш этиш, яхши кайфият улашишдек эзгу йўлда хизмат қилмоқдалар.

Замонавий ўзбек цирки кўп асрлик миллий анъаналарини давом эттириб ва ривожлантириб, уларни янги асарлар билан бойитиб келмоқда. Бугунги кунда цирк санъатининг турли жанрларида Тошкентбоевлар, Зариповлар, Хўжаевлар, Мадалиевлар, Юсуповлар сулолалари ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

Баҳром МАЖИДОВ,
Ўзбек Давлат цирки республика бирлашмасининг бош директори.

Каттақўрғон райони Пайшанба қўрғонидаги маҳаллаларда эски ҳунармандчилик анъаналари қайта тикланмоқда. Зардўзчи Ҳидоятхон Алимова дўппи тикишни йўлга қўйди. Ҳозир зардўзлик цехида ўн нафар чевар белбоғ ва бошқа миллий кийимларни тикмоқда.
СУРАТДА: Ҳ. Алимова.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

УМИДА ТОР ЧЕРТГАНДА

● Фарғона вилоят театри биносида Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров номидаги соврин учун водийлик ёш ҳофизлар кўригни ниҳоясига етди. Унда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятида бўлиб ўтган танлов ғолиблари — 11 нафар ёш санъаткор куч синашди.

Танловда мумтоз ва замонавий қўшиқлар ижроси, миллий мусиқа ва либослар уйғунлиги, саҳна маданиятига алоҳида эътибор берилди. Фарғона давлат доирилфунуни ўзбек маданияти ва санъати факультетининг 2-курс толибаси Умида Раҳматуллаева танлов ғолиби бўлди. Унга Таваккал Қодиров дастхати битилган тор топширилди.

(ЎзА).

ИБРАТЛИ ҲИКОЯ

Истеъдодли қалам соҳиби Тўлқин Расулев яқинда Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг биринчи мукофотига сазовор бўлди. Биз уни ана шу мукофот билан муборакбод этамиз. Қуйида унинг янги ибратли ҳикояларидан ўқийсиз.

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

Бир файласуфдан сўрашди:
— Яхшининг шарофати қандай бўлади?
Айтди:
— Яхшининг шарофати— умрнинг фароғати. Яхши инсон шундайки, худди атирга ўхшайди, у биргина одамни эмас, ҳаммани ўз хушбўйлиги билан ҳушнуд этади.

НИМА ШИРИН?

Бир фузалодан сўрашди:
— Инсонни севишни нимага қиёслайсиз?
— Ҳаётга, ҳаёт жуда ширин! — деди фузало.

БИРИ КАМ...

Бир ҳазилкаш кишидан сўрашди:
— Нега, «Бу дунёнинг ишлари бири кам икки» дейишади.
— Ҳаёт ўзи шунақада, — деди ҳазилкаш, — агар тўлиқ икки бўлса, яшашнинг қизиғи қолмайди-да.

МУБОРАК КАСБ

Доно кексадан сўрашди:
— Касб-корнинг энг афзали нима?
— Деҳқончилик! — деди кекса доно. — Деҳқон ерга бирни экиб, мингнинг ризқирўзини етиштиради. Бир дона дондан ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган етти бошоқнинг унини деҳқончилик касбининг мубораклиги ва барокотининг рамзидир.

МУЪЖИЗА

Доно хакимдан сўрашди:
— Биз нафас олаётган ҳаво нима?
Айтди:
— Кўзга кўринмас, қўлга илинмас, ҳажми билинмас ҳаво таркибида минглаб хил неъмат бор. «Соф ҳаво-танга даво» ҳикматида ибрат кўп, унга амал қилинг, азизлар!

БЕСАБРЛАРНИНГ АЙБИ

Доно ҳакимдан сўрадилар:
— Баъзилар ҳаёт қийинчилигига дуч келганда, шу кунимдан ўлганим яхши» деб фиғон қилишади, сиз бундай бандаларнинг номига нима дейсиз?
— Ҳаким айтди:
— Мен бундай бандаларни бесабрлар ва ношукрлар дейман. Аллоҳ таоло сабрлиларга доим ҳамроҳ туради. Билинглар, бир қийинчиликдан икки осончилик бўлади, дейилган. Оғир-қийин кунларда ўзига ўлим тилаган бесабрлар хаста бўлиб бошлари ёстиққа етганда, «Оҳ, ўша соғлом юрган кунларимга минг бор шукур қилсам бўларкан», деб афсус-надомат чекадилар, лекин унда кеч бўлади.

ОДАМЛАР СИФАТИ

Файласуфдан сўрашди:
— Ер юзида яхшилар кўпми ёки ёмонларми?
Файласуф жавоб берди:
— Ер юзида яхшилар кўпми ёки ёмонларми, бунга аниқ айтиб бўлмайди. Бироқ яхшиларнинг шарофати ёмонларнинг касофатини ювиб, она сайёрамиз тириклик нафасини олиб турибди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

• Турфа олам

Атайлаб ясалган сигаретни бир марта ичингизга тортсангиз бўлди, тишингизнинг оғриғи босилади. Уни Пекиндаги физика ва химия олий билимгоҳи мутахассислари яратишган. Ҳозирги кунда бу усул кенг қўлланилмоқда.

* * *

Италия шаҳарларидан бирида ишчилар йўлни тузатишаётганда даҳшатли воқеа рўй берди. Белкурак ер остида ётган қаттиқ бир нарсага тегиб кетиши биланоқ, гурсиллаб отилган милтиқ товуши эшитилди. Бир киши жароҳатланиб, касалхонага келтирилди. Милтиқ отилган жойни текширган сапёрлар эски тўппончани топишди. Маълум бўлишича, у XVII асрда ўқлаб қўйилган экан.

* * *

1500 йилдан буён дунёда ишлаб чиқарилган олтин билан кумушнинг саккиздан бир қисми океанларнинг тагида чўкиб кетганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор. Фақат ўн олтинчи асрнинг ўзидагина Португалия денгизда қиймматбаҳо товарларни ташиш пайтида 124.000000 доллар, Испания эса 50.000000 доллар олтин кумушларидан ажралган.

ОРОМГОҲМИ, ОЗОРГОҲМИ?

Ойим қишлоғидаги Қорағунон дам олиш масканини илгарилари жаннатмакон оромгоҳ деб аташар, шу боисдан бу ер эл оғзига тушганди.

Дарҳақиқат, бу гўзал, ҳушҳаво даргоҳни она табиат инсон роҳат-фароғати учун яратгандек эди: мажнунтоллар сойнинг янгроқ қўшиғига мафтундек соҳилга бош солинтириб турар, теграсида турнакўз булоқлар қайнар, дарахтлар орасидан тараладган қуёш нурлари симу зар бўлиб олтиндек жилоланар, пойингизда эса яшил майса гилами ястанганди. Сув юзасига қурилган соя-салқин сўрилардан меҳмонлар аримас, кун бўйи дилрабо куйлару қўшиқлар, шодон қаҳқаҳалар янграрди. Бу ёғи қардош Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, у ёғи Андижон, Шаҳрихон, Пахтаобод шаҳарларидан мижозлар чарчоқларини ёзгани келиб-кетиб турардилар.

Қорағунон соҳилини эл оромгоҳига айлантиришда Салоҳиддин Отахонов бошлиқ Оймқишлоқ матлуботчилари чинакамига фидойилик кўрсатдилар. Ҳашар йўли билан чойхона, новвойхона, қассобхона, аралаш моллар дўкони қурилди.

Деворларга шарқона услубда ганчдан нафис безаклар берилди, келин-кўвлар учун зиёфатхона, нуронийларга аталган мўъжаз гурунгхона очилди. Ешларнинг висол кечалари, фахрийларни нафақага узатиш маросимлари, қизиқарли учрашувлар шу ерда ўтарди. Хуллас, меҳнат аҳли ҳордиқ олиб кўнгил ёзадиган замонавий маданий-маиший маскан бунёд этилди. Кооператорларнинг савдо маданиятини кўтаришга бағишланган йиғини Қорағунон оромгоҳида ўтганлигини оймқишлоқликлар ҳозиргача фахр билан эслашади. Ҳа, яхшидан боғ қолади, қадамида гуллар унади, деганлари шу-да!

Шу орада оромгоҳни хўжалик ҳисобида ишлайдиган, ўз-ўзини маблағ билан таъминлайдиган корхонага айлантириш ҳақида вилоят матлубот жамиятлари уюшмасидан кўрсатма келди. Тажрибали, ишбилармон савдо ходимларидан Абдурасул Қурбонов оромгоҳни тасарруфига олгач, масканда маданий-маиший хизмат янада яхшиланди.

Кўп ўтмай қишлоқда Жалолқудуқ тайёрлов кооператив савдо идорасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилувчи шаҳобчаси иш бошлади. Эски ҳаммом биноси, битта дўкон, 2 та қассобхона қишлоқ матлубот жамияти балансидан чиқарилиб, янги тармоқ ихтиёрига ўтказилди. Тармоқни моддий базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун Қорағунон дам олиш оромгоҳининг ҳам тайёрловчилар ҳисобига ўтказиш тўғрисида район ҳокимиятининг фармойиши чиқди.

Соҳиблик ҳисси, фуқаролик ғурури

Янги рўзғорга қатор масъул лавозимларда ишлаб келган Мўминжон Каримов бошқош бўлди. У яхши ният билан корхона ҳамда оромгоҳ ишини тағин ҳам ривожлантириш режаларини туза бошлади. Ҳадемай таъмирлаш ишлари авж олиб кетди. Пивохўрлар павильони, қассобхона бузилиб, ўрнида ёзинқишин ишлайдиган, металл конструкциялардан ташкил топган ошхона қад ростлай бошлади. Таъмирлаш юмушларини қишлоқ матлубот жамиятининг Абдуманноб Муҳаммаджонов бошлиқ пайвандчилар бригадаси олиб борди.

Масканни таъминлаш юмушлари бозор иқтисодиёти мушкулотлари даврига тўғри келди. Шундан бўлса керак, хайрли ишлар қандай шиддат билан бошланган бўлса, шундай тезлик билан тўхтадиқолди. Томи ёпилмаган, деворлари тикланмаган бўлажак ошхона мана икки йилдан буён осмон остидаги очиқ музейнинг осори атиқаси каби қўққайиб турибди. Паловхонадаги ўчоқлар анчадан буён қозон қайнамаганлигидан кул босган... Чойхона қаровсизликдан абгор аҳволда: буёғи учган, эски сўриларда аҳён-аҳёнда уч-тўрт нафар чойхўр кўриниб қолади. Чойнак-пиёлалар синиқ-мертик. Бунинг устига дастурхонлар ювилмаганлигидан моғор босиб кетган. Бир маҳаллар чамандек очилган гулзор ўрнида ажриқзор...

Юқорида таъриф-тавсиф этилган қазноқдаги бар-ошхона, эндиликда картошка сақланадиган омборхонага айланган. Деворлардаги ақлни шошрадиган безак, нақшлар нураб тўкиляпти, юмшоқ мебеллар билан безатилган зиёфат зали, чарақлаган қандиллар осилган шипдан моғор ва зах ҳиди анқийди. Бар-ошхона қурилишига, безагига кетган давлатнинг пул маблағлари, усталарнинг кўз нурию меҳнатини ўйлаб юрагингиз туз сепилгандек ачишади.

Ариқ устига қурилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилишга мўлжалланган павильон, дўконлар қурилгандан буён на сабзи, на пиёз ва на олма сотилганлигини ҳозиргача биров эслай олмайди. Аммо дўконлар пештоқидаги полиз ва сабзавот маҳсулотларининг сувратлари кўзни ўйнатади. Ҳа, кўрмоқ бор, емоқ йўқ. Булар савлатга, холос.

Тўғри, корхона бошлиғи Мўминжон Каримов оромгоҳни, тайёрлов ишларини олга силжитаман деб анча-мунча жон куйдирди. Айтайлик, корхона маблағи ҳисобига жамоа хўжаликларидан режадан ортиқча тола сотиб олиниб, бартер ҳисобига хориждан бозорга чаққон ноёб саноат моллари келтиришга эришилди. Бу моллар аҳоли томорқасида етиштириладиган маҳсулотларга алмаштирилармиш, деган овоза тарқалди. Аммо булардан деҳқонлар бебаҳра қолдилар.

Тайёрлов идорасининг ишлари ҳам ўлда-жўлда. Аввало маҳсулот сақланадиган на совуқхона ва на совутгичлар бор. Амал-тақал қилиниб қиш учун маҳсулот ғамланадиган ҳаммом биноси ҳам Ойим ширкатлар уюшмаси ҳисобида турганлиги учун қайтариб олинди.

Деҳқонлар билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларни кўпинча тайёрловчиларнинг ўзи бузади. Ўтган йили фермер Н. Юнусов билан корхона ўртасида картошка етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди. Тайёрловчилар ўзаро келишилгандек, фермер хўжалигини уруғлик билан таъминлади. Ҳосил пишиб етилгач, аҳдлашилгандек, фермер картошкани қабул қилиб олишни сўраб корхонага келди. Аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон мудири Анвар-жон Каримов не машаққатлар билан етиштирилган ҳосилни қабул қилиб олиш, сотишдан бош тортди. Ҳолбуки, ўша кезлари картошканинг бозори чаққон, аҳоли янги картошка ҳосилига муштоқ бўлиб турарди.

Корхона ҳузуридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўкон ишидан аҳоли ҳақли суратда ранжимоқда. Бултур қовун-тарвуз, карам, пиёз маҳсулотлари бозордагидан қимматга сотилди. Ҳудудда мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган «Болгария» давлат хўжалиги бор. Нега соҳибкорлар билан шартнома асосида маҳсулот сотиб олиб уларни бошқа ҳудуддаги хўжаликларда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, қуруқ меваларга айирбош қилиш, шу йўл билан маблағ топиш, уни корхона корига ишлатиш мумкин эмас?

Гап бошқа ёқда: ишбилармонлик, ташкилотчилик, жонкуярлик, масъулият етишмаётир. Бош мутасадди — вилоят тайёрлов-кооператив савдо бошқармаси бу ҳақда ўз сўзини айтиши шубҳасиз.

Мана, ҳордиқ чиқарувчиларнинг энг севган илиқ-иссиқ ойлари бошланяпти. Кундузги меҳнатдан сўнг соя-салқин, ҳушҳаво табиат бағрида яйраб кайфиятни чоғ қилиш, эртанги кунга куч-қувват йиғиш, саломатликни тиклашга нима етсин?! Она табиат эса бизни ўз оғушига олиб гўзаллигидан баҳраманд қилишга ҳамиша тайёр. Инсон яратувчи меҳнати, ҳиммати билан атроф-муҳитни янада кўркам, янада файзли, дилкушо қилишга қодир.

О. ЖОНҚУЛОВ.

Санъат ёш танламайди: қалб наволари кексани ҳам, ёшни ҳам бирдек тўлқинлантиради. Фориш районидаги Сайёд қишлоғида ташкил этилган этнографик ансамбль мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бахтиёр Мавлонов раҳбарлик қилаётган бу ансамблга турли ёшдаги 25 нафар санъат шайдолари уюшган бўлиб, улар кишиларга қувонч улашишмоқда.

СУРАТДА: ансамбль қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«ТУПРОҒИМИЗ—ЗАР, СУВИМИЗ—ОБИКОВСАР»

Бу мухтасардан-мухтасар, ўта пурҳикмат, қанотли иборани охирги нафасигача такрорлашни ҳеч ҳам тарк этмади, замину миришкорликнинг буюк соҳиби, раҳматлик Ризамат ота Мусомуҳамедов.

Мен бу киши билан кўп суҳбатлашганман. (У кишидан ёзиб олган ҳикматларни «Қишлоқ ҳақиқати»да чоп ҳам эттирганман).

Мени ҳар гал ҳайратга солгани шу бўлардики, ҳатто ночор вазиятда ҳам «ёмон» деган сўзга дилида ҳам, забонида ҳам жой бермасдилар.

Борингки, ҳатто ўша еру сув — икки нуру гавҳар шундоққина кўз олдида туссизланиб бораётганини кўриб ҳам у айни эътиқодига содиқ қолаверди...

Бу борадаги таомиллари шу эди: «Яхши деяверинг, шунда, ёмон ҳам, яхши бўлиб кетаверади».

● Сув қадрини чанқаган билар,
Нон қадрини—очиққан.
● Сув тежами— зар тежами,
● Сувни серобликда тежай бил,
Тақчилликда—ўзи билдиради!
● Нонни тўкисликда асра,
Йўқчиликда ўзи асратар.
● Ер олсанг, сувнни суриштир,
Ҳовли олсанг—қўшнисини.
● Чанқоқ экинга оз сув ҳам асқотар,
Кўпи экинни бузар.
● Экинга ҳаммаси—бир тарафу
Сув—бир тараф.
● Сув: ато этар жумла жаҳонга — жон,
Ерга қут бағишлар, оқар инсон қон!
● Сувнинг қатраси ҳам, сув,
Нонинг увоғи ҳам, нон!
● Чанқоқ—сувга интилар,
Чанқамаган—қиё ҳам боқмас!
● Сувсиз ерда тол битмас,
Ёмон арида—бол.
● Сув қадрини—сувчидан сўра,
Зар қадрини—заргардан.

Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ тўплаган.

Ўзбекистон Ғаллачилик илмий-тадқиқот олий илмгоҳи жамоаси Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот олий илмгоҳи директори, академик
Абдували Имомалиевич ИМОМАЛИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг республика ўқув-услубият маркази жамоаси Наманган қишлоқ хўжалик техникуми директори Олимжон Баҳриддиновга онаси
Мастурахон ая АБДУЛЛАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Тошкент политехника институти томонидан 1982 йилда Маннонов Ашир номига берилган ИВ I 273462 номерли **йўқолган** диплом **бекор қилинади.**

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ, (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовошчвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—170. 31830. нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишган топширилди — 18.30

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.